O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 24-sentabr, chorshanba | № 77 (7582)

**Da'vat**

***Inson uchun bilim orttirishning o'zi kifoya emas, olingan bilimni taraqqiyot yo'lida sarflashni ham bilmoq lozim.***

**Iogann GYOTE**

**Ibrat**

***Boyovutlik fermer Abdug'affor hoji Jabborov Guliston shahridagi "Mehribonlik" uyining 36 nafar tarbiyalanuvchilari nomiga 30 ming so'mdan bankda omonat daftari ochtirdi.***

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### UCHRASHUV

**Polsha Respublikasi Seymining Polsha-O'zbekiston parlamenti guruhi raisi Eljbeta Radzishevska rahbarligidagi delegatsiya a'zolari O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirining birinchi o'rinbosari Vladimir Norov bilan uchrashdi.**

### MONITORING GURUHI TASHRIFI

**O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo'yicha vakilining (Ombudsman) monitoring guruhi Andijon viloyatiga tashrif buyurdi. Ombudsman monitoring guruhi shahar va tuman hokimliklari, sog'liqni saqlash muassasalarida bo'lib, bemorlar huquqlariga rioya etilishi bilan tanishdi. Viloyat huquqni muhofaza qilish organlari xodimlari bilan uchrashdi. Inson huquqlari bo'yicha vakil Sayyora Rashidova Ombudsman faoliyati haqida batafsil so'zlab berdi.**

### XOTIRA TADBIRI

**Prezidentimiz Farmoni bilan istiqlolimizning 12 yilligi bayrami arafasida bir guruh marhum olim, adib va san'atkorlarimiz "Buyuk xizmatlari uchun" ordeni bilan taqdirlangan, ular orasida O'zbekiston xalq yozuvchisi Shuhrat (G'ulom Alimov) ham bor edi. Yozuvchilar uyushmasida bo'lib o'tgan yig'ilish ushbu adib xotirasiga bag'ishlandi.**

(Davomi 2-betda)

# ЁЗЁВОНДА ТАДБИРКОР МАКТАБ ҚУРДИ



***Ўзимиз яшаб турган ҳудудимизда бирон-бир янги бино қад ростласа, албатта, уни бориб кўргимиз, ичию сиртини томоша қилгимиз келади. Агар бино дидимизга ёқса, беихтиёр ташкилотчига, қурувчиларга таҳсин айтамиз.***

***Фарғона вилояти Ёзёвон туманида "Келажак" хусусий фирмаси раиси Маҳмудҳожи Матқосимов ташкилотчилигида янги 240 ўринли замонавий мактаб қуриб, битказилди. Ушбу билим масканига жами 75 млн. сўм маблағ сарфланган бўлиб, ҳовлиси замонавий ғиштли йўлаклар, синфхоналари эса ўқув жиҳозлари билан безатилган.***

***Янги мактаб қуриб битказилди. Энди барча қулайликларга эга ошхона, спорт зали, ўйингоҳлар керак бўлади. Тадбиркор М.Матқосимов келаси йили буларни ҳам қуриб беришни режалаштирган. Мактабни ишга тушириш маросимида ўқувчи ва ўқитувчилардан ташқари қишлоқ аҳли, маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳам ташриф буюришиб, бино қурилишида иштирок этган барча-барчага ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.***

***Янги ўқув йилида ўқувчилар янги мактабда дарсларни бошлаб юборишди. Ўз устозларидан таълим олаётган йигит-қизлар юзида қувонч намоён.***

***Суратларда: янги мактаб биноси ва дарс жараёнларидан лавҳалар.***

**Бурхон РИЗО олган суратлар.**

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**БИРОР ЎҚУВЧИ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ**
2-бет

**БОҒЧА БИЛАН МАКТАБ ЎРТАСИДАГИ УЗИЛИШ**
2-бет

**МУАЛЛИМЛИК — ИНОЯТ**
3-бет

**«БУМЕРАНГ» УСУЛИ**
НАФАҚАТ ЎҚИТУВЧИГА, БАЛКИ ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАГА ҲАМ КЎПЛАБ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ
4-бет

**«БУ ЁМОН ИШ ЭМАС»**
ДЕБ ЎЙЛАЙДИ ЎЗ ЎРТОҒИНИНГ БУЮМИНИ ОЛИБ ҚЎЙГАН БОЛАКАЙ
5-бет

**«ПОЙТАХТЛАР» СКАНВОРДИ**
8-бет

# БИОЛОГИЯ ФАНИДАН ТАНЛОВ ДАРСЛИКЛАРИ ЧОП ЭТИЛДИ

***Bu sizning darsligingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang***

Сўнги йилларда Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари учун танлов асосида дарсликлар, унинг методик қўлланмалари ва дарс жараёнида фойдаланиш учун жадваллар яратилмоқда.

2003-2004 ўқув йилида фойдаланиш учун Ў.Пратов ва бошқалар томонидан ёзилган 5-6-синфлар учун "Ботаника", Б.Аминов, Т.Тиловворларнинг 8-синф учун "Одам ва унинг саломатлиги", О.Мавлоновнинг 8-синф учун муқобил "Одам ва унинг саломатлиги" дарсликлари ва юқоридаги дарсликларга "Ўқитиш методикаси" "Ўқитувчи", "Ўзбекистон", "Адолат" нашриётларида чоп этилди.

Янги авлод дарсликлари ДТС ва дастур талаблари асосида яратилган бўлиб, илғор педтехнологиялар асосида интерфаол усулида ёзилган.

Ўқувчилар "Botanika" курсини ўрганар эканлар, унинг "кўкат", "ўсимлик" деган маънони билдиришини англаб олишлари билан ўсимликларнинг пайдо бўлиши, ҳаёти, ташқи ва ички тузилиши, ривожланиши, ер юзида тарқалиши, табиат билан боғлиқлигини, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш усулларини ўрганадилар.



Ўқувчилар кейинчалик ўсимликларнинг гул тузилишлари, кўпайиши, мева ҳосил қилиши, уруғ, баргларнинг тузилиши ва уларнинг қайси оилаларга киришини билиб оладилар.

5-6-синф "Botanika" дарсликлари аввалги амалдаги дарсликлардан фарқ қилган ҳолда ихчам, содда, равон тилда ёзилган. Асосийси, дарслик ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос ҳолда бўлиб, миллий ғоя, ўлкашунослик материалларига катта эътибор берилган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши ва фикрлаш қобилиятини ошириш учун саволлар, табиатга экскурсия, таянч сўзлар, топишмоқлар, тест саволлари, мақолалар, қўшимча маълумотлар, лаборатория машғулотлари, кроссвордлар мавзуларга мослаб рангли расмлар берилган.

Шунингдек, дарсликларда хона ўсимликлари ва уларни парвариш қилиш ҳақида маълумотлар жой олган. Бу билан ўқувчиларда хона ўсимликларини ўстиришга қизиқиш пайдо бўлади.

Дарсликнинг илова қисмида гербарий тайёрлаш ҳақида "Ёзги топшириқлар" берилган бўлиб, ўқувчилар ёзги таътил даврида ҳам табиатга доир ўз билимларини кенгайтириш имкониятига эгадирлар. Албатта, бу ишлар ўқувчиларнинг ўз ўлкасидаги ўсимликларни, айниқса, шифобахш гиёҳларни янада яхши билиб олишларига ёрдам беради.

8-синф учун чоп этилган "Одам ва унинг саломатлиги" дарслиги ҳам жуда ихчам, жозибали, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиб, ДТС ва дастур талабларига тўлиқ жавоб беради. Дарслик орқали ўқувчилар одам танасининг тузилиши ва функциясининг эволюцион ривожланиши, организмнинг аъзо ва аъзолари тизими, одамнинг пайдо бўлиши ва кўпайиши, одамларда учрайдиган айрим касаллик-

(Давоми 2-бетда)

# БОШҚАРУВ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Сўнгги пайтларда компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча жабҳаларига жорий этиш, халқаро ахборот тизимлари, жумладан, Интернетга кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали дастурчи мутахассислар тайёрлаш даражасини оширишга эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори амалиётга татбиқ этилиб, таълим тизимидаги ташкилотлар орасида тезкор ахборот алмашиш жорий этилди.

Навоий ҳудудий чегараси жиҳатидан республикада энг катта вилоят ҳисобланади. Айниқса, Зарафшон шаҳри, Учқудуқ, Томди туманлари вилоят марказидан 300-350 километр, чекка мактаблари эса 500-600 километр олисда жойлашган. Бу вазият ўз-ўзидан мазкур ҳудудларга турли ҳужжатларни етказишда мушкулликлар туғдирар эди. Электрон почта қўйилмасдан олдин бу шаҳар ва туманларга ҳужжатлар бир ҳафтада бир марта етказилар, қиш-қировли кунларда эса баъзан транспорт йўллари ҳафталаб ёпилиб қолар, натижада ҳужжатларни етказиш муддати икки ҳафтадан ҳам ошиб кетарди. Халқ таълими бошқармасининг локал тармоғи монтаж қилингач, ўн олтита компьютерни бирлаштириш имкониятига эга бу тармоққа саккизта компьютер уланди ва фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Хатирчи туманида ҳам локал тармоқ ишга туширилган бўлиб, унга ҳам тўртта персонал компьютер уланган. Барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари, бошқарма тасарруфидаги 9 та таълим муассасалари персонал компьютер билан таъминланиб, бошқарма факс, электрон почта, интернет, локал тармоғига эга.

Эришилган ютуқлардан яна бири, шу йилнинг августидан бошлаб халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, ҳар бир тумандаги биттадан мактабнинг компьютерларига барча турдаги ҳужжатларни автоматик тарзда назорат қилувчи янги дастурлар ўрнатилиб, келган ва юборилган ҳужжатлар билан ишлаш, рўйхатга олиш дастурларининг ишлаб чиқилиши бўлди. Бунинг афзаллик томони шундаки, келган ҳар бир ҳужжат учун дастурда мавжуд бўлган назорат варақаси тўлдирилса, ушбу ҳужжат неча кун муддатда ким томонидан бажарилиши махсус жадвал асосида назорат қилинади. Бу уринишлар туфайли яна барча турдаги таълим муассасалари тўғрисида тўлиқ маълумотлар банкини яратиш, доимий тўлдириб бориш тизимини шакллантиришга эришилди. Шунингдек, бошқарма ва ўқув даргоҳлари фаолиятини ифодаловчи веб — сайти яратилиб, интернет тармоғига жойлаштирилди. Бу дастурларни яратиш ва ўрнатишда "Ўзбекўқувавтоматика" марказининг вилоятдаги бўлимининг хизмати катта эканини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил июнидаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг жорий этилиши ахборот технологияларини миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг кўламда қўллаш омилини яратди. Бу борада Навоий вилояти халқ таълими бошқармасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда жорий этилаётган ахборот алмашиш жараёни юқоридан пастга ва пастдан юқорига йўналишида "граф-дарахт" технологияси ва звенолар ичида ихтиёрий абонент билан "реляцион" усулда олиб борилмоқда. Мақсад эса ҳамма абонентлар ўзаро алоқа боғлай оладиган тизимга тўла ўтишдир.

Ҳозирги пайтда вилоятда Америка Қўшма Штатлари АЙРЕКС ташкилотининг «Ташаббус» нодавлат ва нотижорат маркази фаолият кўрсатмоқда. 2002-2003 ўқув йили давомида 800 нафар ўқувчи марказга аъзо бўлиб, улар интернетдан фойдаланишни ўрганишмоқда. Ўқувчиларнинг 60 фоизи интернетдан мукаммал фойдаланишни ўрганиб, сертификатга эга бўлишди. Айни кунда марказ томонидан электрон почта, интернет ва компьютер саводхонлиги бўйича бепул курслар ташкил этилиб, бу курсларга вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ходимлари, мактаб директорлари тингловчи сифатида қабул қилиниб, бепул ахборот технологиялари бўйича ўз билимларини оширишмоқда.

*Qaror va ijro*

Вилоят бўйича ўзбек ва рус тилларида ўқитиладиган мактабларда рейтинг усулида ўқитишни ҳисоблашни енгиллаштириш мақсадида электрон жадваллардан фойдаланиш йўлга қўйилган. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб Осиё тараққиёт банкининг "Таълим секторини ривожлантириш дастури" лойиҳаси асосида вилоятдаги 5 та мактаб ва ВПҚТМОИ масофадан ўқитиш марказларини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда Американинг USAID ташкилоти вилоят мактаблари учун 50 дона компьютер совға қилди. "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси ҳам ўз саховатини кўрсатиб, Нурота тумани мактабларидан бирига бир комплект синф компьютерлари ҳадя қилди.

Амалга оширилаётган ишлар, изланишлар компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этишни такомиллаштириш сари йўл очмоқда. Бу ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этишнинг амалий ифодасидир.

**Рамазон САФАРОВ,**
**Навоий вилояти ХТБ ахборот-таҳлил ва ижро интизоми бўлими бошлиғи,**
**Ойбуви ОЧИЛОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ТОПГАНИМИЗ — ТАЪЛИМГА

*Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti*

Андижон вилояти Марҳамат туманида мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш ва сармоядан ташқари маблағ топиш йўлида бир қатор ижобий ишлар қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Алишер Навоий номидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби (директори Абдуманноп Эргашев) ер участкасидан яхши даромад олинмоқда. 2002 йилда 50 туп бодомдан 280 минг, ёнғоқдан 200 минг, ер майдонидан 60 минг сўм даромад қилинди. Ўтган йили 120 минг сўмлик, бу йил 200 минг сўмлик узум ҳам сотилди.

2002 йилда 5 туп хурмо дарахти экилди. Келгусида ундан катта даромад олиш кутилмоқда. Асосийси, ўқувчилар у ерда боғдорчилик тўгараги раҳбари, меҳнат таълими ўқитувчиси Ҳожиакбар Йўлдошев бошчилигида боғдорчилик сирларини ўрганишаяпти. Дарахтларни биргаликда парвариш қилишаяпти.

Тумандаги Мавлудахон Рўзиматова директорлик қилаётган 27-боғча-мактаб мажмуида ҳам боғдорчиликка катта эътибор берилмоқда. Унга қарашли 40 сотих мевазор боғда етиштирилаётган гилос, беҳи, олма, ўрик, олча, олхўри каби мевалардан болаларга турли шарбатлар тайёрлаб берилаяпти. Қолган мевалардан қиш фасли учун мева шарбати ва қоқилар тайёрланмоқда. Боғнинг ичига эса беда экилаётир. Оз бўлса-да, ундан ҳам фойда олинмоқда.

Шукурмерган қишлоғи ҳудудидаги 13-умумий ўрта таълим мактабида (директори Абдуманноп Отажонов) чорвачиликка катта эътибор берилмоқда. Мактабда 2001 йили чорвачилик хўжалиги ташкил этилди. Ҳозирда бу хўжаликдан олинаётган даромад мактаб эҳтиёжлари учун ишлатилмоқда. Чунончи, ўқувчиларни рағбатлантириш учун 20 минг сўм, спорт мусобақаларини ташкил этиш учун 50 минг сўм ва мактабни жорий таъмирлаш учун 120 минг сўм сарфланди. Шунингдек, мактаб томорқасидан 200 минг сўм, "Машъал" ширкат хўжалигидан олинган ердан 136 минг сўм, биноларни ижарага беришдан 20 минг сўм, ун тегирмонидан 30 минг сўм маблағ жамғарилди. Мазкур маблағлар жамоа билан маслаҳатлашган ҳолда аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш ҳамда мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилаётир.

Тумандаги Ҳомиджон Исоқов номидаги 12-мактаб (директори Раҳимқул Олимов) ер участкасига 1993 йили 3 минг туп терак кўчати экилганди. Ўтган йили ундан 500 минг сўмлик даромад қилинди. Топилган маблағ эса мактаб буфети ва ошхонасини таъмирлашга ишлатилди. Мактабдаги бўш ётган ерларга яна 80 туп хурмо, 40 туп гилос, 40 туп анор кўчатлари экилди. Ҳадемай улар ҳам мевага киради. Фойдаланилмай ётган ерларни ижарага бериш, тегирмон ва обжувоздан фойдаланиш ҳамда "Т—40" маркали тракторни ижарага беришдан ҳам даромад олиш кўзланаяпти.

— Марҳамат тумани халқ таълими бўлимига қарашли 42 та мактаб, 28 та мактабгача таълим муассасаларининг барчасида сармоядан ташқари маблағ топишни янада кенг ривожлантирамиз, — дейди ХТБ мудири Абдуҳалим Суярқулов. — Сўнгра тажрибамизни кенг миқёсда оммалаштириш ниятидамиз.

**Абдурасул ЭРАЛИЕВ,**
**халқ таълими фидойиси**

**Akademik litsey va kasb-hunar kollejlariga bormasdan qolgan o'quvchilarni moddiy-texnik bazalari yaxshi bo'lgan qo'shni maktablarda tashkil etilgan 10-sinfga jalb etish ishlari olib borilmoqda.**

**Bu usul orqali bolaning 5 yoshdan ko'z qorachig'i o'rganilib, uning tanasidagi nasliy kasallik va keyinchalik kasallanishi mumkin bo'lgan a'zolar aniqlanadi.**



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

### KOREYALIKLAR JIZZAXDA

**Janubiy Koreya respublikasi milliy ta'lim tizimi va uni rivojlantirish yo'llari Xondong global universitetining bir guruh olimlari Jizzax davlat pedagogika instituti hamda Jizzax politexnika instituti jamoalari bilan uchrashuvlar o'tkazdi. Koreyalik olimlar mamlakatimizga "Iste'dod" respublika jamg'armasi taklifiga binoan tashrif buyurishgan.**

### XANS GYUNTER — DARDEMANNLAR OILASI O'ZBEKISTONGA KELADI

**O'zbekistonning GFRdagi elchixonasi tashabbusi bilan "Multi-Kulti" radiostansiyasi va "Tagesshnigel" gazetasi hamkorligida o'tkazilgan "O'zbekistonni bilasizmi?" tanlovida g'olib chiqqan Berlin shahrida yashovchi Xans Gyunter — Dardemannlar oilasi O'zbekistonga keladi. Ular Toshkent, Samarqand, Buxoro va Xivaga tashrif buyuradilar.**

### NUROTADA YANGI KOLLEJ

**Nurota shahrida qishloq xo'jaligi, agrosanoat tizimi bo'yicha 12 turdagi turdosh mutaxassislar tayyorlashga ixtisoslashtirilgan 900 o'rinli yangi kasb-hunar kolleji ishga tushdi. Kollejda asosan, Nurota, Konimex, Tomdi tumanidan kelgan yoshlar ta'lim oladilar.**

## БИОЛОГИЯ ФАНИДАН ТАНЛОВ ДАРСЛИКЛАРИ ЧОП ЭТИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

ларнинг олдини олиш ҳақида етарлича маълумот берилган.

Дарслик рангли расмларга бой бўлиб ўқувчиларни мустақил ва фикрлаш қобилиятини ошириш учун саволлар, лаборатория ва амалий машғулотларини ўтиш хусусида ҳам йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Шуни айтиш жоизки, дарсликда ҳар бир органни гигиеник қоидаларга риоя қилиши ва инсон организмини кийимга бўлган гигиенаси ҳамда жисмоний тарбияга эътибор берилишига катта аҳамият қаратилган. Бундан ташқари, дарсликда "Одам ва унинг саломатлиги" фанига улкан хисса қўшган буюк алломаларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийлар ҳақида ва бугунги ўзбек олимларидан Р.Худойбердиев, Н.Аҳмедов, Ҳ.Зоҳидов, С.Асомов, К.Зуфаров, Ё.Тўрақулов ва бошқалар тўғрисида маълумотлар берилган.

О.Мавлонов томонидан ёзилган ва чоп этилган "Одам ва унинг саломатлиги" муқобил дарслиги ҳам ўзига хос жозибали, ихчам, ўқувчиларнинг ёшига мос тилда ёзилган. Дарсликда тўқсондан зиёд рангли расмлар бўлиб, ўзининг аниқ ва тиниқлиги билан ўқувчиларнинг диққатини тортади. Бу дарслик ҳам илғор педагогик технология ва интерфаол усулда ёзилганлиги билан амалдаги дарсликлардан ажралиб туради.

Дарсликда мавзуларга оид саволлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш учун йўл-йўриқлар берилган.

Умуман, дарсликларнинг иккаласи ҳам ҳозирги давр талабига жавоб беради. Ҳозирда, ҳар иккала ўқув қўлланмаси ҳам 2003-2004 ўқув йилида белгиланган вилоятларда синовдан ўтказилаётир. Зеро, уларнинг қайси бири сизу биз учун афзаллиги ўта муҳимдир.

2003-2004 ўқув йили учун ушбу фанлардан мазкур дарсликлар билан ёнма-ён тарзда рус ва қорақалпоқ тилларида ҳам ўқув қўлланмалари чоп этилмокда.

**Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ,**
**РТМ табиий билимлари бўлими бош методисти**

## БОҒЧА БИЛАН МАКТАБ ЎРТАСИДАГИ УЗИЛИШ

### бу олинган билимларни қайтадан ўрганиш муаммосини келтириб чиқаради

***Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 2-"Нодирабегим" ихтисослашган мактабгача ва мактаб-интернат мажмуасининг фаолиятида бир талай янгиликлар бўлганлиги боис ҳам кўпчиликнинг оғзига тушган. Боиси, биринчилардан бўлиб ушбу мактабгача таълим муассасасида тажриба тариқасида мактаб синфлари ташкил қилинган эди. Ўқув-тарбия ишлари яхши натижа кўрсатгач, бошқа кўплаб муассасалар боғча-мактаб мажмуаларига айланди.***

**БИРИНЧИ ЎРИНДА САЛОМАТЛИК**

Юқорида мажмуанинг янгиликлари бор, деган эдик. Шулардан бири — мажмуада кундузги стационар ташкил қилинган. Бунда касаллик аломати сезилган бола кундузги стационарда кун давомида гуруҳ болаларидан ажратилган ҳолда шифокор ва ҳамширалар назоратида бўлади. Шунингдек, бу ерда болани соғломлаштириш, касалликнинг олдини олиш мақсадида иридодиагностика усулларидан фойдаланилади. Бу усул орқали боланинг 5 ёшдан кўз қорачиғи ўрганилиб, унинг танасидаги наслий касаллик ва кейинчалик касалланиши мумкин бўлган аъзолар аниқланади. Бу ҳақда ота-оналарга маълумот берилгач, касалликнинг олдини олишга киришилади.

Болалар организмининг жисмоний мустаҳкамлигига сабаб бўлувчи омиллардан яна бири овқатланиш шароитини тўғри ташкил қилишдир. "Нодирабегим"да болаларга мунтазам равишда бошқарма лимонариясидан сабзавот ва кўкатлар, цитрусли мевалар берилади. Шунингдек, тарбияланувчилар ва гимназия ўқувчиларига асал қўшилган наъматак дамламаси, касалликка мойил болаларга эса врач тавсияси билан тоғ райҳони, мойчечак, сариқ дала чойи, шалфейлардан тайёрланган махсус ичимликлар берилади.

Жисмоний чиниқтиришга келадиган бўлсак, муассаса тарбияланувчиларига қишки ва ёзги сузиш ҳавзасида машғулотлар ўтилади. Эътиборли томони, нимжон болалар билан алоҳида шуғулланилади. Яъни, сув даражаси кўтарилиб, нимжон болаларнинг аввал оёғи сувда чайилади ва танаси нам сочиқ билан артилади. Жисмоний тарбия инструктори Илдус Бекмаевнинг айтишича, ушбу чиниқтириш муолажаси секин-аста ушбу болаларни бошқа тенгдошлари каби чаққон, чайир, бақувват бўлиши учун асқотади. Шунингдек, очиқ ҳаводаги спорт майдончасининг югуриш йўлакчаси ҳамда узунликка ва баландликка сакраш кенглигида скалиоз касаллиги бор болаларни соғломлаштирувчи машқлар олиб борилади.

**РУҲШУНОС ХИЗМАТИДА САМАРАЛИ УСУЛЛАР**

Сўнгги йилларда мактабгача таълим муассасаларида психолог хизматини йўлга қўйиш кўп томонлама фойдали эканлигини тажрибалар кўрсатди. Хусусан, ушбу мажмуада 1997 йилдан буён психолог мутахассис иш олиб бораяптики, бу борада ўзига хос анъаналар шаклланган. Яъни, психолог Лариса Куртаева янги келган болаларни боғча шароитига мослаштиришда қуйидаги усулни қўллайди. Янги келган барча болалар ёшидан қатъи назар биргаликда уй шароитига яқинлаштирилган муҳитда бир гуруҳ қилинади. Бир ой мобайнида улар "темир" тартиб-қоидаларга бўйсундирилмайди. Уйқуси келмаганлар ухлашга мажбур қилинмайди. Хуллас, эркинлик "ёввойи" болаларни ҳам қийнамасдан, кўпчилик қаторига қўшади. Яна психолог боғча ва гимназия болаларининг ҳар хил муаммоларини ечишда ўз маслаҳатлари билан ёрдам беради. Бола руҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган машғулотлар ва уларнинг хавотирланиш даражасини аниқловчи анкеталар тузиб, синаш ишлари ҳам мажмуанинг ички муҳити барқарорлигига хизмат қилаяпти, дейиш мумкин.

**УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК**

Мажмуанинг жамоат ташкилотлари, шифокорлар ва ота-оналар билан ҳамкорлик ишларида ўзига хос йўналишлар бор экан. Хусусан, мажмуада ҳафтанинг ҳар чоршанба куни ота-оналар учун маслаҳатлар куни, деб белгиланган. Шу куни ота-оналар билан мажмуа ходимлари ўртасида суҳбат олиб борилади. Муаммоли саволлар ҳам бу жараёнда ўз ечимини топади. Яъни, ҳар бир бола ва уларнинг ота-оналари билан индивидуал равишда иш олиб борилади. Агарда ота-оналар хоҳласа гуруҳларда фарзандларининг қандай тарбияланаётганлигини ҳам кузатишлари мумкин. Шундан сўнг ота-оналар болаларининг кўпчилик ичида ўзини тутишларини, қандай нуқсонлари борлигини ўз кўзлари билан кўргач, шифокорларга юзланадилар. Умуман, бу каби уч томонлама фарзанд тарбияси устида ишлаш айрим назардан четда қолиб кетадиган кемтикларнинг бўлишига йўл қўймайди.

**МУНТАЗАМ—УЗВИЙЛИК**

Мажмуалар фаолиятини кузатар эканмиз, уларда таълим-тарбия беришнинг узлуксизлиги таъминланаётганлигига гувоҳ бўламиз. Ушбу "Нодирабегим" ихтисослашган мактабгача ва мактаб-интернат мажмуасида ҳам 2 ёшдан 17 ёшгача мунтазамлилик асосида билимлар берилади. Бу ҳақда мажмуа директори София Абдуназарова шундай фикрлар билдирди:

— Замонавий таълим бериш усулларига инглиз тили ва компьютер сабоқларини мукаммал ўргатиш ҳам киради. Олайлик, компьютер сабоқларидан мактабгача ёшдаги болаларни хабардор қилиш мақсадида "Компьютер сабоқлари малакалари ва техник ижодкорликни ривожлантириш" дастурини ишлаб чиққанмиз. Бу дастурга асосланиб, машғулотлар ўрта гуруҳларда ўқув йили давомида 4-5 ёшли болалар учун 12 минут, 5-6 ёшлилар учун 15 минут, 6-7 ёшдагиларга эса 20 минутни ташкил этади ва мутахассис Боғдагул Жамолова томонидан ҳафтасига 2 марта ўтказилади. Бориб-бориб бериладиган маълумотлар доираси кенгайтирилади. Ахборот технологияларини бу каби аниқ асосларда тушунтиришимизга сабаб, компьютер сабоқларини ўргатиш экспериментал дастурини мантиқий давом эттириш ва узлуксиз таълимни вужудга келтиришдир. Чунки, болалар мактабда компьютер билан илк мулоқотни 8-синфдан бошлайди. Бу эса ўз навбатида боғчада олинган билим ва кўникмаларга узоқ муддатли узилиш ясайди. Натижада болалар 8 йиллик танаффусдан кейин яна ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади. Шу сабаб ўқув дастурларини тузишда ана шу жиҳат эътиборга олинса яхши бўларди. Айниқса оддий боғча ва мактабларда узилишнинг юзага келиши қилинган меҳнатларнинг ҳавога совурилишига сабаб бўлади. Шундай номутаносибликни йўқотиш учун биз тизимли асосда иш олиб борамиз. "ТАСИС" жамғармаси дастури бўйича Буюк Британияда хизмат сафарида бўлган эдим. У ердаги Билстон коллежи билан алоқа ўрнатганмиз. Бу ҳаракатимиз боғча-мактаб ва ундан кейинги таълим босқичлари ўртасидаги узвийлик талабларига "лаббай" деб жавоб бериш бўлади.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**



**Болаликнинг беғубор онлари, албатта, севимли маскан бўлмиш болалар боғчасида ўтади. Ана шу давр ҳеч қачон бола ёдидан чиқмайди. Кимлар биландир дўстлашиб кимлар билан уришиб-ярашиб ўйнайди.**

**Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 6 мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари Манзура Мирзакаримова ва Мухлиса Ҳошимовалар болажонларга бир умр ёдидан чиқмайдиган ўйинлар ўргатмокдалар.**

**Суратларда: Муассаса тарбиячилари янги технологиялар усулида «обод маҳалла қуриш» ўйин-машғулоти ўтказмокдалар.**

**Бурҳон РИЗО олган суратлар.**



*Milliy dastur — amalda*

## БИРОР ЎҚУВЧИ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

**Кўтаринки руҳда бошланган янги ўқув йили аввалида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Ғафур Қалмуратов билан республикада кечаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар, вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан суҳбатлашдик.**

**— Дастлаб "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичининг Қорақалпоғистон Республикасида бажарилиши ҳақида тўхталсангиз.**

— Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, унинг бошқарма ва бўлимлари "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг II босқичида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, Республика ҳукуматининг таълим соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга йўналтирилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ижобий ишларни амалга оширдилар. Хусусан, вазирлик томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 390-сонли "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам ишларимизда силжишлар бўлди.

Вазирликнинг Давлат таълим стандартлари бошқармаси томонидан 2003 йил январь ойида мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчиларга қўйилган "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури талаблари асосида таълим беришнинг сифатини ўрганиб чиқиш бўйича Хўжайли, Чимбой, Қўнғирот, Беруний туманлари ва Нукус шаҳридаги 10-болалар боғчаларида мониторинг ўтказилди. Мазкур мониторинг ишларига 180 нафар бола қамраб олиниб, уларнинг математик ўйлаш қобилиятларининг самарадорлиги 80,8 фоизни ташкил этди. Шундай мониторинг ишлари қолган бошқа туманларда маҳаллий мониторинг хизмати ва мактабгача таълим муассасалари услубиётчилари билан ҳамкорликда олиб борилди.

Республикамизда ҳозирги кунда 405 та мактабгача таълим муассасалари бўлиб, уларда 33 мингдан ортиқ болалар таълим-тарбия олмоқда. Ёшлигидан ногирон болаларга билим бериш мақсадида 41 та санаторий ва махсус болалар боғчалари фаолият кўрсатаяпти. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, кичик ёшдаги болаларга қулай шароитлар яратиш ниятида 32 та "Мактаб-боғча" мажмуалари, 5 та уй боғчалари ташкил этилган. Мактабгача таълим муассасаларида 3296 нафар педагог ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги 453-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1997 йил 17 октябрдаги 245/11-сонли "Муассасаларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари асосида Республикадаги 265 та болалар боғчалари туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ихтиёрига ўтказилди. Агарда олдинги 2001-2002 ўқув йилларда 62 та болалар боғчалари ёпиқ турган бўлса, 2003 йилнинг май ойига қадар ёпиқ турган боғчаларнинг 25 таси таълим муассасалари сифатида фойдаланишга топширилди.

2002 йилда мактабдан ташқари таълим муассасалари сони 83 та бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 91 га етди. Беруний туманидаги 6 та ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари мактабдан ташқари таълим муассасаларига айлантирилди ва Бўзатов туманида 1 та ўқувчилар уйи янгидан ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги халқаро Юнисеф, ЮНЕСКО, Уорлд Концерн, Қизил ярим ой жамияти, АКСЕЛС, СОРОС ташкилотлари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормокда. АКСЕЛС дастурининг ҳар хил кўрик-танловларига республикамизнинг ўқувчилари ва ўқитувчилари қизиқувчанлик билан қатнашиб келмоқдалар. Шу кунга қадар уларнинг 50 нафардан ортиғи Америка Қўшма Штатларида ўқиб қайтган бўлса, ўтган йилнинг ўзида 7 нафар инглиз тили ўқитувчиси ҳар хил техник қуроллар, компьютер, нусха кўчириш жиҳозлари ва китоблар билан тақдирланди.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълим муассасаларида таълим самарадорлигини оширишга эришиш учун янги педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш ўқитувчилар олдига масъулиятли вазифа этиб қўйилган. Улар — янги педагогик технология элементларини қўллаб, мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда таълимнинг "муаммоли қидирув", "суҳбат", "тадқиқот" методлари, турли қизиқарли ўйинлар, муаммоли беллашувлар, экскурсия ва амалий ишлар билан ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш орқали уларнинг ДТС талабларига тўла жавоб беришини таъминламокда.

Таълим жараёнига ЯПТни татбиқ этишда РТМ, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ва чет эл ташкилотлари томонидан ташкил этилган махсус курслардан ўтган тренерлар фаолиятидан самарали фойдаланилмокда.

Таълим жараёнини такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни татбиқ этишда ўқув муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ўқувчилар билим даражасининг ўсишига ижобий таъсир этаяпти. Хусусан, "Прогресс" таълим ва ривожлантириш маркази интернетга уланган бўлса, 10 та туман халқ таълими бўлимлари модем системасига эга. 763 та таълим муассасасидан 37 та мактаб IBM, 22 мактаб Pentium компьютерига эга, 221 та мактаб эски моделдаги компьютер билан таъминланган. Умуман, компьютер билан таъминланиш 40,5 фоизни ташкил этади.

**— Кўп ўтмай мактаблар тўққиз йиллик бўлади. Айни пайтда ҳам мактабни битирган ўқувчилар академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришмокда. Лекин бир синфни 25 нафар ўқувчи битирса-ю, уларнинг 5 нафари академик лицейга ўқишга кирса, 15 нафари касб-ҳунар коллежида ўқий бошласа, қолган 5 нафари қаерга боради?**

— Жуда ўринли савол бердингиз. "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини олиш мақсадида ҳар бир умумий ўрта мактабларнинг 9-синфини битирган ҳар бир ўқувчи умумий ўрта таълим асосида академик лицей ва касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган. Ушбу модда асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги тури бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш бўйича бир қанча ижобий ишлар олиб борилди. Жумладан, жорий йилнинг июль ойида қўшма ҳайъат мажлиси ўтказилиб, ушбу масала ҳар томонлама чуқур муҳокама қилинди ва коллегия қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 30 апрелдаги 65-сонли "2003/2004 ўқув йилида мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги буйруғида республикамиз бўйича 9-синфни битирган 39299 нафар ўқувчининг 26040 нафари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиниши ва қолган 13259 нафари мактабларнинг 10-синфларида ўқишларини давом эттириши режалаштирилган.

Айрим мактабларда 9-синф ўқувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига бормасдан қолган ўқувчиларни моддий-техник базалари яхши бўлган қўшни мактабларда ташкил этилган 10-синфга жалб этиш ишлари олиб борилмоқда.

**— Маълумки, Қорақалпоғистон Республикасида ўзбек, қорақалпоқ мактаблари билан бирга қозоқ, туркман, рус мактаблари ҳам мавжуд. Уларни дарсликлар билан таъминлаш қай даражада?**

— 2002-2003 ўқув йилида марказлаштирилган маблағ ҳисобидан мактаб кутубхоналари жамғармаси учун 848438 нусхада 682 млн. 668 минг 680 сўмга дарсликлар олинганди.

Осиё Ривожланиш Банки кредит маблағлари ҳисобидан олинаётган дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилида олиб бориладиган 9-синфларга юз фоиз жорий этилган, ўзбек ва қорақалпоқ тилидаги 10 йўналишдаги ижара тизимидаги дарсликлар "Таълимсавдо" ташкилоти томонидан туманларга етказилиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2003-2004 ўқув йилини "Умумий ўрта таълим мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили деб белгилаш тўғрисида"ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 11 июндаги 157-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқ асосида умумий ўрта таълим мактаб кутубхоналари концепцияси, ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилиб, барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасаларига етказиб берилди ҳамда ҳозирги кунда ушбу буйруқ асосида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Барчамизга маълумки, кутубхона — зиё маскани. Ҳар бир мактаб кутубхонасини маънавият масканига айлантириш муҳим ва хайрли ишлардан бири. Бизнинг вазирлигимиз ҳам бу савобли ишдан четда қолмай 2003-2004 ўқув йили учун таълим ўзбек, рус, қозоқ тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 2-9-синф ўқувчилари учун марказлаштирилган маблағ ҳисобидан мактаб кутубхоналари жамғармасига 8110 нусхада 3 млн. 565 минг 113 сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмалари олинишига ва тегишли жойларга тарқатилишига бош-қош бўлмоқда.

Жорий йилда 29 номда 1828131 нусха дарслик ва ўқув қўлланмаларига буюртма берилди. Таълим қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ ва туркман тилида олиб бориладиган мактабларнинг 1-синфлари учун дарсликлар олиниб, "Қорақалпоққитоб" ҳиссадорлик жамияти ва "Ўқув-таълим таъминот" орқали тегишли ўринларга жўнатилмокда.

2003-2004 ўқув йилига 2-9-синфлар учун "Қарақалпаққитап" ҳиссадорлик жамиятига "Ўзбекистон", "Шарқ" ва "Ўқитувчи" нашриётларидан нашрдан чиқариладиган 304300 нусха дарсликларга буюртма берилди.

2003-2004 ўқув йили учун ўқув ўзбек, рус, қозоқ тилларида олиб бориладиган мактабларга марказлаштирилган маблағ ҳисобидан мактаб кутубхоналари жамғармаси учун 8110 нусхада 3 млн. 565 минг 113 сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмалари олинди ва мактаблар кутубхоналарига етказилмоқда.

**— Таълим соҳасини педагог кадрлар билан таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Олис овулларда мутахассис бўлмаган ўқитувчиларнинг дарс беришига муносабатингиз қандай?**

— Таълим муассасаларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш йўналишида ҳам тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўқув ўринларининг кадрларга бўлган 10 йиллик эҳтиёжи ўрганиб чиқилиб, Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус давлат педагогика институти билан бакалавр ва магистр даражали кадрлар тайёрлаб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 36982 нафар ўқитувчи бўлиб, уларнинг 23265 нафари (63 фоизи) олий маълумотга, 790 нафари (2,1 фоизи) тугалланмаган олий маълумотга, 12927 нафари (35 фоизи) ўрта махсус педагогик маълумотга эга. Улардан 2947 нафар ўқитувчи олий тоифали, 9582 нафари 1-тоифали, 11806 нафари 2-тоифали ҳамда 12647 нафари педагог-мутахассис маълумотига эга.

Таълим муассасаларининг педагог кадрлар билан таъминланиши масаласига тўхталадиган бўлсак, мактабларнинг 1-4-синфлари мутахассис ўқитувчилар билан таъминланган. Лекин, ҳар хил фанлардан 767 нафар ўқитувчи етишмайди. Умуман, 5-11-синф оралиғида чет тиллари, жисмоний тарбия, тарих фанлари, шунингдек, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний , Амударё туманларида қорақалпоқ тили, Тахтакўпир, Мўйноқ, Қораўзак, Бўзатов, Чимбой, Кегейли, Шўманай, Қўнғирот, Қонликўл туманларида ўзбек тили фанлари бўйича оз бўлса ҳам ўқитувчи кадрлар етишмовчилиги мавжуд.

Жорий ўқув йилида Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтларидан 960 нафар ёш мутахассисларнинг келиб қўшилиши юзага келган етишмовчиликни тўлдиради, назаримда.

**— Халқ таълими муассасаларини янги 2003-2004 ўқув йилига тайёрлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик юмушлари қандай кетаяпти?**

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2003 йил 14 апрелдаги 82-Б-сонли Фармойишга мувофиқ, таълим муассасаларини 2003-2004 янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида, Республика марказлаштирилган маблағ ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 486,3 млн. сўм ва туман, шаҳарларнинг маҳаллий бюджети ҳисобидан 55,5 млн.сўм, жами капитал таъмирлаш ишлари учун 541,8 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди (мактабларнинг капитал таъмирлаш ишларига 398937,0 минг сўм, боғчаларнинг капитал таъмирлаш ишларига 99734,0 минг сўм) ва ҳозирги кунгача капитал таъмирлаш ишларига жами 236641,0 минг сўм миқдорида маблағ молиялаштирилди (Белгиланган режа бўйича мактаб ва боғчаларнинг капитал таъмирлаш ишларига 388804,0 минг сўм маблағ молиялаштирилиши керак бўлса, шундан бугунги кунга 236640,7 минг сўм 61 фоиз миқдорида маблағ молиялаштирилди).

Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида таълим муассасаларини таъмирлаш ишларига ҳомийлар томонидан 55,1 млн. сўм миқдорида ёрдам берилди.

Шунингдек, таълим соҳасига хорижий сармоялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини жалб қилган ҳолда педагог ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий техника негизини мустаҳкамлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2003 йил 1 апрелдаги "Таълим секторини ривожлантириш дастури" лойиҳасини Осиё Тараққиёт Банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 65-сонли Фармойишининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 23 майдаги 140-сонли буйруғи ва лойиҳа доирасида белгиланган таълим муассасаларининг талаб даражасида тайёрлаш бўйича чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларга асосан, маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда, "Таълим секторини ривожлантириш дастури" лойиҳасига киритилган таълим муассасаларининг ҳар бири учун алоҳида таъмирлаш лойиҳа-сметалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 11 апрелдаги "Таълим муассасаларини сифатли мебеллар билан таъминлаш ҳақида"ги 51-сонли буйруғининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Республика марказлаштирилган маблағи ҳисобидан шаҳар ва туман таълим бўлимлари 64080,7 минг сўмлик 847 комплект ўқувчилар партаси ва ўқув компьютер техникалари билан таъминланиши режалаштирилган, яъни "USAID" лойиҳасига киритилган 8 та мактаб компьютер хоналари учун 7014,3 минг сўмлик 80 комплект компьютер столлари, жами 73495,2 минг сўмлик ўқув инвентарлари билан таъминланди.

Яқин кунларда эса АҚШ ҳукуматининг IREX лойиҳаси бўйича 8 та мактаб компьютер техникалари билан таъминланиши ва бепул интернет тармоғига уланиши режалаштирилмокда.

**Суҳбатдош Ҳамид ЗИЁЕВ**

## 1 oktabr — O'qituvchilar va murabbiylar kuni Umumxalq bayrami oldidan

# СУЯНЧ ТОҒЛАРИМ

Фарғона водийсида Ҳапалак қишлоғи бор. Бутун юрт бу қишлоқни мумтоз шоиримиз Махмурнинг "Ҳапалак" шеъри орқали яхши биладилар, чунки буни ёдламаган, ҳеч бўлмаганда ундан бир парча билмаган мактаб ўқувчиси топилмаса керак. Бу қишлоқ хонликлар даврида харобалик, қашшоқлик, йўқчиликнинг тимсоли бўлиб, тарих саҳифаларига муҳрланган. Ҳозирда бу обод, озод қишлоқда меҳнаткаш, яратувчан инсонлар яшайди. Қишлоқдан таниқли журналист, олим, муаллимлар етишиб чиққан. Одамлар орасида қишлоқлар нуфузи ҳақида гап кетганда, Ҳапалакдан ўнта муаллим чиққан, дейиш одат бўлиб қолган. Ана шу ўнлар орасида бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамон Аҳмаджон домла Ҳошимов ҳам бор.

Асли пешона тери билан кун кўрувчи деҳқон Ҳошим ота оиласида туғилган ягона ўғил Аҳмаджоннинг болалик йиллари уруш йилларига тўғри келди. Унинг болалик, мурғак онгига фронт ортидаги машаққатли ҳаётнинг барча жабру жафолари муҳрланиб қолган. Фронтга кетган эрлар ўрнини босган қўли қадоқ, усти ямоқ кўйлакли аёллар фарзандлари йўлига кўзи нигорон, бир тўғрам нонга зор бўлиб шишиб ўлган кексалар, онасининг меҳнати ҳақига бериладиган битта қизилчани талашиб еган болалар, икки дона қизилча (лавлаги) ўғирлаб қамалган "ўғри"ларни хотирласа, товуши титрайди, кўзига ёш келади.

"Бизнинг тенг-тўшларимиз бола бўлмаган. Ўн тўрт ёшимда мактабни битириб, ҳам далада табелчилик қилардим, ҳам бошланғич синфда муаллимлик қилардим. Тушгача болаларни ўқитиб, кейин далада одамларни ишлатардим. Қизилча йиғиш мавсумида кечалари ҳам ишлашга мажбур эдик. Одамлар оч яшар эдилар, кўриш бору ейиш йўқ. "Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун" деган шиор, қорни оч одамлар қулоғи остида ажал қўнғироғидек жаранглаб турарди. "Уруш тугади, лекин унинг асорати 50-йилларгача давом этди. Онам даъвати билан ҳаёт қийинчиликларига қарамай ўқишга отландим. Аввал муаллимлар тайёрлаш курсини, сўнгра Қўқон педагогика институтини битирдим. Биз ўша йиллари ўқишга кийган кийимни ҳозирги ёшлар ишга ҳам киймайди — эски, тўзиган, ямоқ. Лекин илм олишга ҳавас, ёшлик шижоати билан қўшилиб бизни фақат ўқишга ундарди. Ҳафтада бир кун Қўқондан уйга пиёда келардик. Баъзан зоғора, топилса омухта (макка ва буғдой уни аралаштирилган нон) нонни халтага солиб, елкага осардик, қўлтиқда китобу дафтар билан темир йўл изига тушиб олиб шаҳарга яна пиёда қайтардик. Кўпинча ҳафта давомида нон пўпанак босиб қолганидан талқон туюб олардик. Ёш мутахассисларга эҳтиёж катта эди-ю, ўқишга борувчилар кам эди. Шунинг учун ҳар йили ҳар биримизга камида уч ўртоғимизни ўқишга етаклаб бориш мажбурияти юклатилган эди. Шундай қилиб, бир-биримизни етаклаганимиздан Ҳапалакдан муаллимлар кўп чиққан эди. Кимсанбой ака, Бароталн, Зайлобиддин, Насимжон, Намозали... Бизни на кийим бошу, на сайрибоғ қизиқтирарди. Ўйлаганимиз ўқишу ўрганиш эди холос. Оллоҳга шукрки, ўқиб кам бўлмадик, озмикўпми элда обрў топдик, опангиз билан фарзандларни тарбиялаб, ўқитиб, элга қўшдик", — деб умр сўқмоқларини хотирлайди муаллим.

Дарвоқе, Аҳмаджон домланинг элга танилишида, Орзухон опанинг ҳам (жойлари жаннатда бўлсин) ҳиссаси беқиёс, чунки эркак кишининг оилада тинчи бўлмаса, қўли ишга бормайди. Опа билан устоз тўғрисида суҳбатлашиб қолсак, уйимиз у киши учун меҳмонхона, кечқурун келиб ётиб кетадилар, холос. Домла мактабда жуда талабчан, у кишидан "5" баҳо олиш аълочиларнинг орзуси эди. Орзухон опадан, устоз уйларида фарзандларига қанақа муносабатда бўлишини сўрасак: "Домлангиз уйдаям фарзандларига талабчану лекин жудаям кўнгилчан, таъби нозик", деб айрим воқеаларни сўзлаб берарди."

"Бир иш баҳонасида шаҳарга бормоқчи бўлиб, бекатда автобус кутардик. Автобус келиб тўхтади. Йўловчилар сийрак, акангиз мендан олдин автобусга чиқмоқчи бўлиб, ўнг оёғини зинага қўйди-ю, шу заҳоти орқасига қайтиб тушди.

— Ҳа, чиқмайсизми?

— Йўқ, кейингисида кетамиз. Ишимиз қистов эмас-ку.

Автобус жўнаб кетгач, воқеа сабабини сўраганимда:

— Автобусда синфимдаги ўқувчим Лолахон онаси билан бирор ёққа — тўйгами кетаяпти экан. Онасининг қўлида ўроғлик дастурхони ҳам бор. Мендан жавоб сўрамаган эди. Агар у мени кўрса, жуда ўсал бўлиб кетар эди. Шунга чиқмай қўяқолдим. Ақлли қиз..."

"Қиш кунлари ўтин арралар эдик. Қуруқ ўтин пўстлоғига илашиб, қуртқумурсқа чиқиб қолар эди. Шунда акангиз уларни чўп билан бир чеккага суриб қўярди. Оёғингиз билан босинг, нима қиласиз уларни авайлаб, ё қўрқаяпсизми? — дердим ҳазил аралаш.

— Ўлдириш осону қўлим бормайди. Улар ҳам Оллоҳ яратган жонзот. Товуқ-повуқ еб кетар."

Даставвал у кишига ўқувчи эдим. Кейинчалик бир неча йил устозим билан ҳамкасб бўлиб ишладим. Муаллим мактабга ҳаммадан эрта келар, дарс жадвали ва эълонлар тахтасига кўз ташлаб олгач, тарих хонасидан ўша кунга керакли харита, диаграмма олиб чиқар, кичкинагина нарса бўлса ҳам ўқувчиларига илинар эди. Айниқса, домланинг синф раҳбари сифатида ўқувчиларга муомаласи, ота-оналар билан узвий боғланиб туришлари ва иш ҳужжатларини тартибли юритишдан ҳали ҳам ҳайрон қоламан. Устоз суст ўзлаштирувчи ва интизомга итоат қилмайдиганларни ҳисобга оладиган алоҳида дафтар юритар, ҳар куни дарсга келмаган ўқувчиларни журнал орқасидан махсус бетга қайд этгач, дафтар қоралашга тушарди. У кишининг иш услуби шифокорларникига жуда ҳам ўхшаб кетар эди. Шифокор ҳам ҳар куни беморлар соғлигини текшириб чиққач, касаллик тарихини тўлдириб боргани дек, домла ҳам оғир интизомли ўқувчилардаги ўзгаришларни дафтарига қайд этиб борарди. Педкенгашларда у кишининг фикри алоҳида ҳисобга олинар, қарор чиқаришда у кишининг фикри сўралар эди, чунки домла оқни оқ, қорани қора дейдиган дангалчилардан эди.

Водийда тўртта йигит тўпланган жойда аския айтилиб, кўнгилхушлик қилинади. Аския айтганда ҳам маълум бир пайровда, сўзларни "яланғочламай", рақиби шахсига оғир ботмайдиган қилиб, одоб доирасида аския айтиш санъатдир. Устоз тўйларда, кўнгилочар кечаларда турли пайровларда аския қилиб, дастурхон атрофидаги рақибларининг "пўстагини қоқарди". Даврада ғийбат гапларга ўрин қолмас, иштирокчилар даврани кўчадан танга топган боладек хурсанд, эрталаб икки дона тухумни илитиб ютгандек тетик тарк этишарди.

Домла даврадошларининг нозик жойларини топар, бошқалар пайқамаган жиҳатларини пойлаб "ҳужум"га ўтар, ичакузди кулгиларга сабаб бўларди.

Элга Аҳмаджон домла бўлиб танилган устоз, имкон топсалар мактабдан кўнглини узолмайдилар. Бизга ҳамон "Болалар, чарчамай ишлаяпсизларми?" дейди. Ёшимиз элликдан ошган бўлса ҳам у кишининг назарида биз ҳамон боламиз. Мактабга тушиб, бизга насиҳат қиладилар. "Болалар, сизларнинг ишлайдиган пайтингиз келди. Юртбошимиз этагидан маҳкам тутиб, у кишига эргашинглар, китобларини ўқинглар. Мустақиллик дегани бу ҳамма иш ўзича битаверади, давлатимиз ривожланади, дегани эмас. Мустақиллик бу Аллоҳимнинг илтифоти, ўтганлар орзуси, сизларга эса ўқиб, ишлаб, яратиш учун бир имконият. Эркин ижод қилишингиз учун имконият, эркин фикрлашингиз учун имконият. Билиб қўйинглар, америкалик миллионерни ҳам она туққан, япониялик ишбилармонни ҳам она туққан. Улар илм орқасидан қувиб юксакликка эришдилар. Бизнинг болаларимиз ҳам ҳеч қайси миллат боласидан кам эмас, уларнинг ким бўлиши Сизларнинг ўқитишдаги саъй-ҳаракатларингизга, фидокорларингизга боғлиқ. Шогирдларингизга елкангизни тутиб беринг".

***

Эй, сиз менинг устозларим, сизлар мен учун буюксиз, суюксиз, талпинган юлдузимсиз! Ҳар бирингиз бир китобсиз, қалбимга илм чўғини ташлаган офтобсиз. Сизнинг онгингиз уйғоқ, фикрингиз теран, аммо кўзларингиз боғлиқ эди. Шукрлар бўлсинким, эл бахтига, юрт бахтига озодлик офтоби чиқди. Бу кунларга етганлар етди, етмаганлар армон билан кетди. Чарақлаб чиққан қуёш нуридан кўзи қамашганлар ҳам бор. Зеро, сиз тиллога тенг насиҳатингиз, доно ўгитингиз билан уларга йўл кўрсатаяпсизлар. Бахтимизга омон бўлинг, суянч тоғларим!

**Азимжон ПЎЛАТОВ,**
**Бешариқ туманидаги 30-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

# МУАЛЛИМЛИК – ИНОЯТ

Ота-она болани дунёга келтиради. Ўқитувчи эса болага дунё беради. Болаларга дунё бераётганлардан бири — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 16-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Онажон Одилхоновадир. Ўқитувчиликни касб эмас, қисмат деб билади у. Ота-оналик инсон қисмати. Ўқитувчиликни инсоннинг ўзи танлайди. Унинг заҳматларини ихтиёри билан ўз зиммасига олади.

"Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл" деганлари ҳақ экан. Одатда яхши шогирд отасига эмас, устозига кўпроқ тақлид қилади. Дунёни англамаган гўдакларни бир умр нафосатга бойланишига, сўз жавоҳирларидан инжулар теришга ундаган она тили ва адабиёт фани муаллимаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Робия Раҳимованинг сабоқлари унинг шуурига устозликни дунё қадар юксалтириб, чизиб қўйган эди. Уни асло ўчириб бўлмаслигини англаган Онажон Одилхонова ўрта мактабни тамомлагач, 1973 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультети сиртқи бўлимига ўқишга кирди. 1975 йилдан бошлаб, ўзи ўқиган Янгибозор туманидаги "Қақрали" ўрмон хўжалигида жойлашган 16-мактабда ишлай бошлади. Шундан бери ўзи ўқиган синфхоналарида ўзининг маънавий-маърифий баркамоллиги, мунтазам маданияти, мафтун этувчи нутқи билан болаларга дунёни танитиб келмоқда. Бора-бора ўқитувчилик унинг қисматига айлана борди. Каромат қилишларича, касбини қисмат қилиб олганлар зуваласига бир чимдим дард кўпроқ қўшиб қориларкан азалдан. Унинг зуваласига қўшиб қорилган бир чимдим дард бу — қалб бедорлигидир. У мана 28 йилдан бери ўқитувчилик қилади. Шунча йилдан бери болалар унинг борлиғига айланган.

Янгибозор туманидаги "Қақрали" ўрмон хўжалигида яшовчи болалар соғиниб кутишади, дарсини яхши бир асар сифатида қабул қилишади.

**Энг шаддод, энг**
**бокира хаёллар,**
**Измингиз-ла умид-**
**ларга айланди.**
**Дунёни англамаган**
**маъсум гўдаклар,**
**Бир умр нафосатга**
**бойланди.**

Унинг сабоқлари... Ёш авлодни мустақил, ижодий фикрлайдиган, маънавияти юксак инсонлар қилиб ўстириш, уларда миллий ғурурни шакллантириш, ҳиссиётларни тарбиялаш, ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ўстириш мезонлари асосида шакл ва мазмун муштарак бўлган сабоқлардир. Ўқитувчилик фаолиятини бошлагандан бери ҳар куни эрталаб уйидан худди ёш актёрлар сингари, биринчи марта саҳнага чиқаётгандай ҳаяжонланиб, мактаб томон йўл олади. У ўзининг ролини бугун қандай ўтайди? Она тили ва адабиёт фанининг сир-синоатга бой оламининг рангин қирраларини ўқувчилари қалбида жилвалантира оладими?

Дарсларни тугатиб, уйга қайтар экан, олиб борган сабоқларини таҳлил қилади. Унинг назарида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, аввало маънавий-маърифий жиҳатидан комил бўлиши керак. Ана шу ақида унинг умрининг мазмунига айланган.

Ҳамкасблари унга нисбатан изланувчан, ташаббускор, ижодкор устоз сифатларини ҳамиша қўшиб айтишади. Дарвоқе, у Робия Раҳимова, Саражон Шержонова каби устозларидан ўзини бир умр қарздор, деб билади. Ўқитувчилик фаолияти давомида юзлаб "Қақрали"да яшовчи ўғил-қизларга ҳаёт сабоқларини бериб келаётганлиги, меҳнатларининг самараси ўлароқ, кўплаб шогирдлари олий ўқув юртларида таҳсил олиб, жамиятга керакли ҳунар эгаси бўлиб комил инсонлар сифатида шаклланишлари, айниқса, ўн нафардан ортиқ ўқувчиси айнан она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб, у билан бир сафда ёшларга илм-фан сирларини ўргатаётганликлари унинг салоҳиятидан дарак беради.

Ижодкор ўқитувчи Онажон Одилхонованинг шеърлари туман, вилоят, республика матбуотларида, тўпламларда эълон қилинган. Гуласал Холмуродова, Раҳима Жуманиёзова, Абдулла Ўрозбоевлар дунёни шеър деб билишларида, бу дунёда улуши ва борлиғи шеъриятга айланишида унинг ҳам хизматлари бор. Шогирдлари камолида ўзини, аслини кўргандай бўлади ҳар сафар.

Мактаб партасида ўтириб, ўқитувчиликни ихтиёр қилганлар кўп бўлади. Бироқ бунга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бирор бир касбнинг қисматга айланиши илоҳий тортиқ, менимча. Ўз касбида виждонан ишлаганлар ҳамиша ҳурматга лойиқ. Улар топган нонини ширин қилиб ейдилар.

**Дунё шодликлари**
**бағрига синган,**
**Мактаб ҳар даргоҳдан**
**аълодир сизга.**
**Касбингиз аслида**
**қисматга дўнган,**
**Сиғиниб яшайсиз**
**устоз сўзига.**

— Онажон Одилхоновани устозим дейишимдан фахрланаман, — дейди Янгибозор туманидаги 5-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Раҳима Жуманиёзова. — Айниқса, унинг талабчанлик, шу билан бирга меҳрибонлик хислатини юксак қадрлайман.

Очиғи, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Онажон Одилхоновани кўплаб шогирдлари ана шундай эҳтиром билан тилга олдилар. Айниқса, улар ўқитувчи учун энг муҳим фазилат — бу болаларга бўлган меҳр-муҳаббати ҳақида гапиришди. Зеро, қайсики ўқитувчида ана шу фазилат мавжуд экан, у ўз-ўзидан ижодкор ҳам, изланувчан ҳам билимдон ҳам бўлишга ўзида куч топа олади.

**Икром БОБОЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

# ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Жуссаси ихчамгина бу истараси иссиқ опани кўпинча танаффус пайтида талабалар билан нималарнидир муҳокама қилаётганида, гоҳо эрталаб университет даргоҳига шошиб-пишиб кириб келаётганида учратиб қоламан.



— Меҳри опа, намунча шошасиз? Хали қўнғироқ чалинишига вақт бор-ку?

— Шундайку-я, лекин дарсга кечикиш ўқитувчининг энг хунук одати, — дейди опа ийманиб, — беш-тўрт минут олдинроқ келиб, талабалар билан бугунги дунё сиёсати тўғрисида пича гаплашмасам кўнглим тўлмайди.

Меҳри опани ҳеч қачон лоқайд, ўз ишига бепарво ҳолатда кўрмаганман. Университетнинг педагогика-психология кафедрасига ишга келганига қирқ йилдан ошибди, лекин Меҳри опа ҳамон серғайрат, изланувчан.

Меҳри Ашурова 1961 йилдан бери университет тупроғини "ялаб" келаётган зиёлилардан бири. Опа табиатан шундай яралган, иш биринчи ўринда, жамоат топшириқларини бажонидил қабул қилади. У Андижон шаҳар кенгашининг депутати, университет хотин-қизлар кенгашининг раиси ва бошқа жамоат ишларида ўзининг фидоийлиги, эл ишига эшлиги билан тан олинган.

Аёл кишининг бошида оила ташвишлари ҳам оз эмас. Меҳри опа университетдаги қанчадан-қанча ишлари билан бирга уч нафар фарзандини ҳавас қилгулик инсон даражасида тарбиялаб, уларни катта ҳаёт йўлига бошлаб қўйиш учун оз мунча куч сарфламади. Фарзандлари ҳам онасининг орзу-умидларини оқлашди. Ҳозир ўғли Ҳусанбой Нишонов физика-математика фанлари номзоди, иссиқ жисмлар илмий тадқиқот институти Андижон филиалининг директори, қизи Раъно — мактабда чет тили ўқитувчиси. Яна бир қизи Барно — муҳандис.

Меҳри опа нафақага чиққанига анча бўлди, лекин у севимли касби педагогликдан кўнгил узолмайди, ҳамон университет аудиториялари, қоракўз талабалари ҳузурига интилади. Баъзилар опага ярим ҳазил, ярим чин қабилида айтишади: "Ёшингиз бир жойга бориб қолди, нафақангиз ҳам анча экан. Дам олсангиз яхши эмасми?".

Уларга нима деб жавоб қилиш мумкин? Меҳри опа бироз ўйга толади: "Балки улар инсон учун моддий манфаатлардан ҳам юксакроқ қадриятлар борлигини тушунишмас. Тўғри, мен моддий ёрдамга муҳтож эмасман. Мени университетга касбимга бўлган меҳр бошлаб келади. Улар сув ва ҳаводай менга зарур. Талаба ёшлар билан суҳбатлашсам, улар орасида юрсам ўзимни ёш ва бахтиёр сезаман. Бир донишманд айтган экан: қуш парвозда, ўқитувчи эса маъруза ўқиб завқланади.

Деҳқондан боғ қолади. Ўқитувчидан-чи? Ундан, албатта яхши ишлари, анъаналарини давом эттирувчи шогирдлари қолади. Меҳри опанинг шогирдлари эса унинг соч толасидан ҳам кўп. Университетимизда меҳнат қилаётган фан номзодлари Б.Ваҳобжонов, А.Ҳакимов, А.Зуфаров, М.Хўжамберидев, Асака педагогика коллежи директори, педагогика фанлари номзоди М.Камолиддинов ва бошқалар Меҳри опага устоз сифатида доимо қуллуқ қилишади.

Б.ВАХОБЖОНОВ, доцент: — Опа камтар. Қатъий интизомни, ўз касбига фидоийликни ва айниқса, одамларга меҳрибонликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Исми ҳам бекорга Меҳрихон эмас-да!

Қ.ТУРҒУНБОЕВ, доцент: — Опа билан 1965 йилдан бери битта кафедрада ишлайман. Илмий даражалари бўлмаса-да, анча-мунча фан номзоди ёки фан докторларидан қолишмайди. Унинг дарсига талабалар гул-гул яшнаб киришади.

М.МАМАЖОНОВ, доцент: — Қани энди, менда ҳам Меҳри опадагидек ғайрат-шижоат бўлса! Жуссаси кичик, ўзи аёл киши бўлишига қарамай Алпомишдек куч-ғайрати бор.

М.ХЎЖАМБЕРДИЕВ, — Университет ички назорат инспекциясининг етакчи услубчиси: — Мен ўзимни том маънода Меҳри опанинг шогирди деб биламан. Дарс ўтишдаги услубининг ўзига хослиги, нутқида интонациянинг ўринли ўзгариб туриши, келтирган мисолларининг жонли, ҳаётийлиги мени қойил қолдиради.

Д.МИРЗАЕВА, педагогика факультети, 4-курс талабаси: — Опани ўз онамиздек яхши кўрамиз, чунки у ҳам бизни ўз боласидек кўради. Унинг ажойиб сабоқлари, ўгитлари умрбод қалбимизда қолади. Меҳри опанинг меҳридан ҳамммамиз баҳрамандмиз.

— Ҳозирги талаба ёшларга қандай баҳо берасиз? — сўрайман Меҳри опадан.

— Биз яхши бўлсак, улар ҳам яхши! Устоз-ўқитувчи талаба-ёшларни фанга қизиқтиришга астойдил киришмаса, ишлаб нима қилади? Улар қалбида яширин ётган иқтидорни жонлантириб, юзага чиқариш устоз зиммасида. Уйида, мактабида яхши тарбия олиб келган, рисоладагидек болани ўқитиш қийин эмас. Ўқитувчининг жасорати — қолишга тушмайдиган, ахлоқ-одобдан бироз четлашиб кетган талабаларни ҳам тўғри йўлга бошлашдан иборат.

Раҳмат, Меҳри опа! Таълим соҳасида Сиздек фидойи, Сиздек фикрлайдиган домлалар кўпайсин, илоҳим.

**Неъматжон УЛУҒЖОНОВ,**
**Андижон давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди**

*Elda aziz*

# МЕН ҲАВАС ҚИЛГАН УСТОЗ!

*Инсон ҳаётда ўз мавқеига эга бўлиши учун унга йўл кўрсатувчи устоз бўлиши керак. Унинг келажакда қандай шахс бўлиб шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топишида унинг биринчи қадами, аниқроғи, қандай устозлар қўлида сабоқ олиши жуда муҳим аҳамиятга эга.*

*Мен 1998 йил Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университетининг чет тиллар факультетига ўқишга қабул қилиндим. Ўқишнинг биринчи кунларидан бошлаб талабаликнинг аччиқ-ширин дамлари бошланди. Вақт мисоли оқар дарёдек тез ўтар, кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтиб йилларга уланарди. Кўз очиб юмгунча учинчи босқич талабаси ҳам бўлдим. Барча талабаларга хос бўлган хусусиятлардан бири янги келган ўқитувчи ҳақида иложи борича тез ва кўп маълумот тўплаб, уларни курсдошлари билан сарҳисоб қилишдир. "Чет тили ўқитиш методикаси" фанидан дарс берувчи Тожимат Сатторов ҳақида йиғилган маълумотлар ижобий эди.*

*Гўзал Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани Навкат жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи деҳқон Қодир ота хонадонида 1948 йилнинг 13 апрелида ўғил фарзанд дунёга келади. Унга яхши ният билан Тожимат деб исм қўйишади. Ўшанда ота вақти келиб ўғлининг Республикага танилган олим бўлиб етишишини кўз олдига келтирмаган бўлса, не ажаб! Чет тилига, айниқса, инглиз тилига бўлган қизиқишлари туфайли мактабни "аъло" баҳоларга тугатди ва 1965 йили Хўжанд Давлат Университетининг чет тиллар факультетига ўқишга қабул қилинади. Талабалик йилларида ҳам Тожимат Сатторов ўзининг тиришқоқлиги, зийраклиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Шунинг учун Тожимат Сатторовни инглиз тили кафедрасида ишга олиб қолишади. Изланишлар самараси натижасида Тожимат ака бу ерда катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди.*

*Тожимат ака бошқа ўқитувчилардан ўзининг ўқитиш услуби, нутқи, билими, илғор тажрибага эга эканликлари билан ажралиб турар эдилар. У киши дарс ўтганларида талабалар билан тўлган аудитория сув қуйгандек жимиб қоларди. Ҳар бир талаба у кишининг оғзидан чиққан гапларни иложи борича дафтарга туширишга ҳаракат қилар эди. Бора-бора дарсга келмайдиган талабалар ҳам Тожимат аканинг дарсларига қизиқа бошлашди. Ҳайратланарлиси шундаки, дарслари II жуфтликда(парада) бўлса, I-жуфтликка (парага) келмаган талабалар у кишининг дарсларига албатта етиб келишарди.*

*Дарс жараёнида биз талабалар у кишининг ҳар бир айтган гапларини бутун вужудимиз билан эшитишга ва шу мавзу бўйича юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этишга интилардик. У киши биз ўқувчиларга дарс ўтиш услуби, қонун қоидалари, қайси усулдан фойдаланилса, ижобий натижаларга эришиш ҳақидаги йўл-йўриқларни ўргатар эдилар.*

*Дарсда Тожимат ака мавзуларни тушунтиришда бамисоли маҳоратли санъаткордек, ҳамма талабаларни сеҳрлаб оларди. Вақтнинг қандай ўтганлигини билмас ва ҳатто чиқишга қўнғироқ чалинганида, у киши дарс тугади десалар ҳам, биз қўнғироқ бар-вақт чалингандек энсамиз қотарди. Энг яхши хислатларидан бири ўқувчи фикрини бўлмасликка, унинг жумласи тугагунча эшитиб туришдир. Талаба гапириб бўлгач, фикрининг тўғри жиҳатларини мақтар, нотўғри фикрига сиз бу жойда сал адашдингиз, деб йўл-йўриқ кўрсатарди.*

*2002 йили университетни тугатдим, аммо илм сарҳадлари билан хайрлашганим йўқ. Магистратура бўлимининг инглиз тили факультетига, имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, ўқишга қабул қилиндим. Асосий мақсадим, мен ҳам Тожимат Сатторов сингари ўз мутахассислигим бўйича етук, тажрибали кадр бўлиб етишиш ҳамда мамлакатимизнинг таълим соҳаси ривожига қўлимдан келганча ҳисса қўшишдир. Барча магистрантларнинг ўзларига илмий раҳбар танлашлари ихтиёрий эди. Мен илмий раҳбар сифатида Тожимат Сатторовни танладим. У киши ёрдамида маълум мавзуни танлаб, илмий тадқиқот ишларини бошлаб юбордим.*

*Домла мени ўз шогирдлари сафига қабул қилган кун ҳаётимда унутилмас сана бўлиб қолади. Чунки у киши устозлик қилган ҳар бир шогирд бугунги кунда республикамизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишмоқда. Тожимат ака биз шогирдлари келажакда етук кадр бўлиб етишиши учун ҳамиша хизматга шай. Илмий изланишларимиз эса у кишининг раҳбарлигида ўзининг маромига етади.*

*Устозимнинг бутун истеъдоди, билими, педагогик тажрибаси бугунги кунда замон талаби даражасига ҳар томонлама мос. У кишининг педагогик фаолиятига ҳавас қиламиз. Мен ҳам Тожимат Сатторовнинг инглиз тилини ўргатишда қўллайдиган услублари, талабалар билан муносабатларини ўзимда мужассамлаштирсам дейман.*

**Р. БЎРИЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2-курс магистранти**

***Insho***

# «БИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИРОҚ КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШИМИЗ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДА СЕНГА ЁЗАМАН»

Бобожон мен сизга мактуб ёзаяпману Ватан, миллат равнақига, буюк келажакка дахлдор ва масъул эканлигимни юракдан ҳис қилаяпман.

**Биз ўзбек ёшлари,**
**Ватан ёшлари,**
**Ватан тақдирига**
**тақдирдош насл.**
**Миллатнинг бир жону**
**бир тан ёшлари,**
**Буюк келажакка**
**дахлдор, маъсул.**
**Мардона-мардона**
**ташлайлик қадам,**
**Озод Юрт, обод Юрт**
**бўлсин мукаррам.**
**Ўз тақдиримни**
**ўз қўлим билан**
**яратмоғим лозим.**
**Чунки ғойибдан**
**келадиган бахт —**
**бу бир афсона.**

**Аъло мамлакатнинг**
**аъло фарзанди,**
**Билиб қўйки,**
**сени Ватан кутади.**

Ушбу мисралардаги даъват бугунги кунда менинг шиоримга айланмоғи даркор. Айланади ҳам, буни келажак кўрсатади. Бугун мен ўз кучимга, билимимга, бой тарихимга ишонаман.

"Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим..."

Мана шу сатрлар мени ўтмишимга ғурур, ифтихор, келажакка ёрқин умидлар билан қарашга ундайди. Ахир, нега ҳам ғурурланмай?! Агар қудратимизга шубҳангиз бўлса: "Биз қурган биноларга боқинг", деб айтган буюк боболаримиз Амир Темур сенинг ўтмишинг ва келажагингни кўра олган бўлса, не бахт! Ўтмиш, боболаримиз ва момоларимиз ҳаёти бизни қандай қилиб яхшироқ келажакни қуришимиз мумкинлигига дастуриламал эканлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ.

Тарихга мурожаат қилар эканман, мамлакатимизда тарихий адолат ўрнатилганлигини англадим. Ўз тарихимизни билмай, баркамол авлод бўла олмаймиз. Келажагимиз ҳам яхши бўлмайди. Биз улкан тарих, бой маънавиятимизни яратган улуғ аждодларнинг қонуний ворисларимиз.

Мустақиллик қалбларимизда уйғоқ. Бу туйғуни асраш лозим. Бизнинг бахтимиз, билим олишимиз, тинч яшашимиз учун фидоийлик кўрсатаётган инсонлар бор. Савоб ишларимиз меъмори, бошловчимиз бор. Бу фидоий инсон йўлбошчимиз И.Каримовдир. Бугун Президентимиз фидоийликни бизга ўргатмоқда, бизга ишонмоқда. Мен ватанимнинг кичкина бўлса-да, мушкулини осон қилсам, деб ўйлайман. Агар қўлимдан келса, келади ҳам. Истиқлолни, истиқболни кўкрагимни қалқон қилиб ҳимоя қилсам ва жаҳонга ёйсам дейман. Агар ўз ватанимга хиёнат қилсам, инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига йўл қўйсам, қонун олдида жавоб бераман. Янада яхшироқ яшашим учун келажаги буюк давлат қуришда эртанги кунга ишонаман. Келажакка ишонч билан қарайман, улуғ келажак ҳали олдинда. Ўзбекнинг ҳар бир хонадонида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳилпирайди. Мен бунга ишонаман.

Азалдан ўзбек халқи меҳнаткаш, олийжаноб, бундай олий ҳимматлилик халқимизнинг қонида бор. Бу туйғу халқимизга Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиздан мерос. Буюк сиймолар хотирасини эъзозлаб, маънавиятимиз дарғаларининг асарларини чуқур ўрганиш ҳам биз ёшларнинг асосий бурчимиздир. Биз миллатимиз фахри бўлган зотларга муносиб бўлишимиз керак, деган хулосани англашимиз лозим.

**Ота-боболардан**
**жасорат мерос,**
**Барҳаёт шонлари,**
**улар кимники?**
**Номуси, виждони,**
**эътиқод-ихлос,**
**Барчаси бизники,**
**барчамизники!**

**Мардона-мардона**
**ташлаймиз қадам,**
**Озод Юрт, обод Юрт**
**бўлсин мукаррам.**

Мен ўзбек номини, ўзбек куч-қудратини келажакда дунёга таратаман. Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликларга "лаббай" деб жавоб бераман. Келажагим порлоқ бўлишига ишонаман. Бугун менинг юртимга катта ҳавас қилмоқда. Муҳаммадқодирлари олтин камар боғламоқда. Умидли ёшлари чет элларда ўқимоқда. Мен уларга ҳавас қиламан. Бизнинг юртимизда ватанини севганлар, ҳимоясига бел боғлаганлар, эртасининг озод ва ободлигига умид қилганлар бисёр ва ғолиб!

Тоза ниятлар-ла бошлаган иншоимни ўзимнинг дил сўзларим билан якунламоқчиман.

Келажагимиз порлоқ бўлади. Қалбимда эзгу умидларим жуда кўп: илм олиб, эл-юртга хизмат қилиш. Истиқлол фарзанди эканман, покиза тупроғимга меҳр, юртим, халқим, Президентим орзу қилган фарзанд бўламан. Ниятларим, орзуларим, албатта, мустажоб бўлгай. Келажакка юксак ишонч ва умид билдириб қолувчи набирангиз Муслима!

**Она Ўзбекистон**
**йўли порлоқ, оқ,**
**О, унинг эртаси**
**ўзимиздадир.**
**Абадий ҳилпира,**
**муқаддас Байроқ,**
**Эл-юртга қўлимиз**
**кўксимиздадир!**
**Мардона-мардона**
**ташлаймиз қадам,**
**Озод Юрт, обод Юрт**
**бўлсин мукаррам.**

**Муслима КАМОЛОВА,**
**Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 10-мактабнинг 8-синф ўқувчиси, «Биз қандай қилиб яхшироқ келажакни қуришимиз мумкинлиги ҳақида сенга ёзаман» иншо танловининг 2-ўрин соҳибаси**

# ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР – ЭЪТИБОРДА

**Бугунги кунда барча таълим масканларида иқтидорли ўқувчилар сафининг ўсиб бориши табиий ҳолга айланмоқда. Чунки мустақилликдан кейин мамлакатимизда алоҳида истеъдод ва қобилиятга эга бўлган иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтидорли ўқувчиларнинг ўз истеъдодларини юзага чиқариши учун барча имконият ва шарт-шароит яратилаяпти.**

**Зомин тиббиёт коллежининг иш бошлаганига энди икки йил бўлаяпти. Ана шу қисқа муддат давомида ўқув юртида иқтидорли ўқувчилар анчагина эканлиги маълум бўлди. Коллежда "Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш маркази" тузилиб, уларга ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам кўрсатилаяпти. Айни кунда коллежда иқтидорли ўқувчилар гуруҳи тузилган. Гуруҳга танлов асосида ўқувчилар қабул қилинади. Педагогик-психологик тест, компьютер саводхонлиги, хорижий тиллар, фанлардан юқори ўзлаштиришга эришаётган ўқувчилар гуруҳга аъзо бўлишади.**

**— Ўқувчиларни чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиш, олимпиада, кўрик-танловларга тайёрлаш, илмий-ижодий ишлар билан шуғулланиш, турли мавзуларда макет ва моделлар яратишга даъват этиш — ушбу гуруҳ аъзоларининг асосий мақсадларидан, — дейди Зомин тиббиёт коллежи директори Ўрозбой Убайдуллаев. — Бунинг учун ўқувчиларга қўшимча 500 соатлик махсус дастур асосида машғулот ўтилади. Машғулотлар ўтишга энг тажрибали, истеъдодли ўқитувчилар жалб қилинган.**

**— Гуруҳимизда 24 нафар ўқувчи бор, — дейди гуруҳ раҳбари Алижон Усмонқулов. — Ўқувчилардан Нодира Оқилова ва Манзура Маъмуровалар Зомин ичимлик сувининг минерал таркибини ўрганишмоқда. Дилфуза Шодмонқулова "Компьютер асосида одам ички организмининг макетларини тайёрлаш", Мавжуда Хонимқулова "Ахборот тизимининг дастурий таъминоти" мавзуларида илмий-ижодий иш олиб бормоқдалар. Шунингдек, Зомин доривор ўсимликларидан ҳар хил фойдали дамламалар тайёрлаш ва бошқа мавзуларда ҳам илмий-ижодий ишлар давом этаяпти.**

**Ўқувчиларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш, илмий-ижодий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳамда Ўзбекистон ботаника боғи билан шартнома тузилган. Ана шу шартнома асосида ижодий сафарлар уюштирилмоқда. Яқинда Тошкент давлат техника университети, Тошкент полимерлар кимёси институти билан шартнома тузиш режалаштирилмоқда.**

**Зомин тиббиёт коллежида асосан 4 йўналиш — кимё, биология, компьютер, тиббиёт соҳасида изланиш олиб бораётган иқтидорли болаларнинг фаолияти ўрганишга арзийди. Шу боисдан ҳам Жиззах вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш" мавзусида амалий-услубий семинар ўтказди. Семинар иштирокчилари бу борада коллежда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.**

**Зомин тиббиёт коллежида иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни такомиллаштириш таълим-тарбияда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир. Иқтидорли болалар—юртимиз келажаги, уларнинг янгиликлар яратиш, кашфиётлар кашф этишига кўмак бериш "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги қонун ижросининг амалдаги ифодасидир.**

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

***Kasb-hunar kollejlarida***

***Sinab ko'ring***

# «БУМЕРАНГ» УСУЛИ

**нафақат ўқитувчига, балки ўқувчи ва талабага ҳам кўплаб имкониятлар яратади**

Ўз замонасининг буюк ёзувчиси Лев Толстой "Билим шунда ҳақиқий билимга айланади, қачонки, унга хотира кучи билан эмас, балки ўз фикр кучи билан эришилган бўлса" деб таъкидлаган эди. Демак, янгиланаётган таълим мазмуни ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини қўллашни тақозо этади. Бу эса ёшларни етук инсон қилиб тайёрлашнинг бир гарови ҳамдир. Таълим беришнинг анъанавий ва ноанъанавий усулларини танлаш режалаштирилган дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлиги билан ҳам боғлиқ.

Ҳозирги вақтда дарс жараёнини фаоллаштириш учун ўқитувчилар ва ўқувчилар билан ишлашда муаммоли, дастурли, изланишга ундайдиган методларга мурожаат қилинмоқда. Бунга педагогик ўйинлар, индивидуал топшириқлар, ўқувчиларнинг гуруҳ фаолиятини уйғунлаштириш орқали эришилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим беришни такомиллаштириш мақсадида педагогик алоқанинг турлари, ахборотларни бўлимларга ажратиб чиқиш, ўқитиш, таълим бериш фаолиятини бошқаришнинг янги усуллари талаб этилади. Таълим технологиясига ижодий ёндашиш, билимни кенгайтиришга, иш сифатини оширишга, педагогик масъулият, мақсадга интилиш каби хусусиятларнинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади.

"Педагогик ўйин" услуби ўқитувчи-ўқувчи орасидаги ўзаро муносабатларнинг инсонпарварлашувига кўмаклашади. Коллежимизда дарс беришнинг янги технологияларидан фойдаланиш натижасида ўқитувчи ва ўқувчи орасида учраши мумкин бўлган ғовлар бартараф қилинмоқда.

Дарс жараёнини ўйин услубида ташкил қилиш ўқувчини зериктирмайди. Хусусан, "Иш юритишни ташкил этиш" фанини ўқитишда анъанавий дарс бериш шаклидан кўра педагогик ўйин машғулоти жуда қўл келади. Бу фан коллежимизда асосан, 2-курсда ўтилади.

"Иш юритишни ташкил этиш" дарсида юридик терминларни ўқувчилар хотирасига мустаққамлаш учун ўйин ташкил қилдим. Мақсад ҳужжат тури ва иш юритишдаги терминларни мустаҳкамлаш эди. Бунга 15 минут вақт ажратилди. Айтилган ҳужжат номининг охирги ҳарфидан бошқа атама топилиши керак. Масалан, "юрист", демак "т" ҳарфи билан бошланадиган "ташқи", "и" ҳарфи билан бошланадиган "ички" ва ҳоказо.

Ўйинда талабалар 4 гуруҳга бўлинишди: ўйин тартиби, бир ҳужжат номини қайтармаслик, бир-бирига айтиб турмаслик, интизомга риоя қилиш, маълум вақтгача ҳужжат номини топа олмаса, ўйиндан чиқиш ва ҳоказо шартлар ҳам белгилаб қўйилди. Қоидалар тушунтирилгач, барча гуруҳ аъзолари ўйинга астойдил киришиб кетишди. Дарсда кам қатнашадиган талабалар ҳам бу ўйинга қизиқиб иштирок этишди. Бундай ўйин турлари ўқувчининг фикрини бир жойга тўплашда, сўз бойлигини оширишда ва зарурий атамаларнинг қайси мақсадларга ва қачон қўлланиши ҳақидаги тушунчаларини бойитишга хизмат қилади.

Худди шундай ўйин дарси "Мажлис баёни" мавзусида ҳам ташкил қилинди. Ўқувчилар гуруҳ-гуруҳларга бўлинишиб, мажлис кун тартиби, баёни ва уни қарорлаштириш билан танишдилар. Дарсда гуруҳларни ана шу мавзу юзасидан тажриба алмашишлари учун ҳам имконият яратдим. Чунки "Мажлис баёни матнига қўйилган талаблар", "Мажлис баённинг зарурий қисмлари", «Баённома» ҳар бир ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши керак. "Баҳолаш мезони" эса ўқитувчи сифатида ўз гарданимга тушди.

"Кишилар орасида ақллилар ақлий лаззатга интилади. Шундагина у умумий лаззатга эришади. Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб боради, демак билимнинг чегараси йўқ.

Ақлга илм бирла бергил кўмак,
Ақл— бу билимга харидор демак".

Буюк донишманд Носир Хисрав сўзларида жуда улкан маъно яширинганини англаш қийин эмас. Дарс беришнинг ноанъанавий шаклларидан фойдаланиш ҳам улуғ алломанинг ана шу фикри тўғри эканлигини яна бир карра таъкидлаб тургандек.

Қисқасини айтганда, янги педагогик технология асосида дарс ўтиш нафақат ўқувчи-талабаларга, балки ўқитувчининг ўзига ҳам кўтаринки кайфият бағишлар экан. Шу йил май ойида ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институтида малака оширганимизда, биз тингловчилар "Бумеранг" деб аталадиган бу усулнинг моҳиятидан хабардор қилиндик. Бундан ташқари, "Ақлий ҳужум", "Музёрар" деб аталган технологиялар билан ҳам танишдик. Агар ана шу усулларни барча ҳамкасбларимиз ўзлаштириб олсалар, ўйлайманки, таълим тизимида сифат босқичига эришган бўлар эдик.

**Озода АКРОМОВА,**
**Тошкент юридик коллежининг "Иш юритиш ва информатика" кафедраси мудири, олий тоифали ўқитувчи**

***Jurnalist tekshiruvi***

# ЯНГИ ДИРЕКТОРНИНГ «ЯНГИЧА ИШ»ЛАРИ

Баъзан ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб бирон-бир жойга мурожаат қилган кишини салбий маънода "ёзувчи" деймиз. Ундан четроқда юришга ҳаракат қиламиз. Шунинг учун ҳам одамларда "кел-қўй, нима қиласан" деган истиҳола пайдо бўлгандир, балки. Лекин, қонун устувор бўлган жамиятда ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишдек шарафли масъулиятнинг аҳамиятини англаб етмаслик нодонликдир... Айтмоқчимизки, бизда "кел-қўй" даражасидан ўтказиб юборилмагунча ҳеч ким ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмайди. Бу ўринда муқаддимани қисқароқ қилсак-да, мақсадга ўтсак.

Таҳририятимизга Юқори Чирчиқ туманидаги 23-мактабнинг собиқ илмий мудири Раъно Шокировадан келган шикоят хати бизни бевосита ўша мактубни тўлиқ ўрганишга чорлади.

Келинг, ундан бир парча келтирайлик, зора сиз ҳам нима учун бу хатни ўрганишга бизда қизиқиш ортганлигини билиб оларсиз:

*"2003 йил 29 майдан директорлик вазифасини қўшиб бажардим. 2003 йил 1 июлдан меҳнат таътилига чиққан бўлсам-да, таъмирлаш ишлари ва 9-синф ҳужжатлари кечиккани туфайли 25 июлгача ишда бўлдим. Шу куни ХТБ кадрлар бўлими бошлиғи, дефектолог-логопед мутахассиси бўлган Муборак Нажимовани директор этиб таништиришди.*

***10 августгача** дам олиб, директорнинг илтимосига кўра яна ишга чиқдим. Янги директор мактабда умуман ишламаган, ҳужжат юритишни ҳам мутлақо билмаскан. Шу сабабли ўринбосар кўмагига муҳтож экан. Ишлар якунлана бошлагач, негадир мени ишдан бўшатиш пайига тушди. Менга қарши маълумотлар йиға бошлади. Бундан хабар топганимдан кейин "илмий мудирликдан озод этиб, ўқитувчи қилиб қолдиришингизни сўрайман", деб ариза ёздим. Директор индамасдан аризамни олиб қолди.*

***2 сентябрь** куни тушгача бир неча ўқитувчиларни чақириб "завуч" бўлишга таклиф этди, ҳеч ким рози бўлмади. Кейин "ўзингиз ишланг, балки чиқишиб кетармиз", деди. "Эртага аризангизни қайтариб бераман", деб қўшиб қўйди. Бу гапга ишондим. Албатта, 8 сентябргача барча ҳужжатларни: шу ўқув йилида мавжуд бўлган соатлар, ўқувчилар ҳаракати, малака ошириш жадвали, давомат дафтарлари кабиларни тайёрлаб топширдим.*

***8 сентябрь** куни кеч соат 19.30 да Юқори Чирчиқ тумани ХТБ мудири вазифасини бажарувчи Искандар Алашбоевнинг ҳайдовчиси мени уйдан мактабга олиб кетди. У жойда ишдан бўшаганлигимни айтишди. Мен илмий мудирликдан бўшашга рози эканлигимни, директор ўзингиз ишлайверинг деб алдаб, барча ҳужжатларини тайёрлатиб олганлигини айтдим. Лекин, бу гапим эътиборсиз қолди.*

***10 сентябрь** куни 18.00 да директор чақираётганини келиб айтишди. Борсам, меҳнат дафтарчамни қўлимга тутқазди. Унда "меҳнат шартномаси бекор қилинсин" деган жумла бор эди, холос. Мен ҳайронман нима учун бундай бўлди? Улар қайси шартномани бекор қилаяпти?! Ахир, мен ҳеч ким билан шартнома тузмаганман-ку? Аризага умуман ишдан бўшатинг деб ёзмаганман-ку?"*

... Хуллас, шу ариза бўйича 23-мактаб директори Муборак Нажимовага мурожаат қилиб, Р.Шокированинг нима учун ўқитувчиликдан бўшатилганини сўрадик. М.Нажимова дастлаб Раъно Шокированинг ўқитувчиликка нолойиқ эканлигини тушунтириб, 8 сентябргача иш юритиш ҳужжатларини тайёрлаб, қайтариб олиб қўйганликда айблади.

Бундан ташқари, Раъно Шокированинг ишдан ўз аризасига кўра кетганлигини айтиб, агар у яна ишга қабул қилиниши учун қайта ариза ёзса, ишга олинишини таъкидлади.

Бу икки хил гапни эшитиб, "Раъно Шокирова ўз аризасига кўра ишдан кетганми ёки у ишдан бўшатилганми", деган саволни берганимизда, директор опамиз бироз ўйланиб қолиб, "ўз аризасига кўра ишдан бўшаган", дея сўзини якунлади. Биз Раъно Шокированинг қайта ариза ёзишига ҳожат йўқлигини, у илмий мудирликдан бўшаётганда ўқитувчи бўлиб қолишини сўраганлигини айтганимизда М.Нажимова бу нотўғри, дея қатъий туриб олди. Келинг, яхшиси шу ерда ўша аризани ва ХТБ қабул қилган буйруқни тўлиғича келтирайлик.

**К.Б. буйруққа**
**(имзо бор)**
**Юқори Чирчиқ ХТБ**
**мудири вазифасини**
**бажарувчи И.Алашбоевга**
**23-мактаб илмий мудири**
**Р.Шокировадан**
**Ариза**
**Мени 2003 йил 2 сентябрдан илмий мудир вазифасидан бўшатиб, мактабда математика ўқитувчиси этиб қолдиришингизни сўрайман.**
**Сababи, соғлиғим тўғри келмаяпти.**
**(имзо бор) / Шокирова Р.**
**Қарши эмасман!**
**Мактаб директори**
**М.Наджимова**
**08.09.2003 й.дан (имзо бор)**
**Юқори Чирчиқ туман халқ таълими бўлими**
**Буйруқ № 113 08.09.2003 й.**
**Шокирова Раъно - 23-мактабнинг илмий бўлим мудири билан тузилган меҳнат шартнома 2003 йил 8-сентябрдан бекор қилинсин ва ўқитувчи этиб қолдирилсин.**
**Мудир в.бажарувчи (имзо бор) И.Алашбоев.**

Биз бу ариза ва буйруқни Муборак Нажимовага қайта-қайта эслатганимизда, директор буни ҳуқуқшуносларимдан сўрашим керак, дея жавоб бериб, бизни Юқори Чирчиқ халқ таълими бўлимига йўллади.

Бу масалада ХТБ мудири вазифасини бажарувчи Искандар Алашбоевга мурожаат қилганимизда, "бунақанги нарсадан хабарим йўқ. 23-мактаб ўқитувчиси Раъно Шокировани мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаши тўғрисида буйруқ чиқарганмиз. Агар бунақанги ҳолат юз берган бўлса, тезда аниқлаймиз", деди ва "Директор Муборак Нажимованинг бундай ҳаракати ноқонуний", дея изоҳлади.

"Раъно Шокированинг меҳнат дафтарчасига ёзилган "08.09.2003 й. меҳнат шартномаси бекор қилинди" деган ёзувга нега имзо чекдингиз" деган саволимизга И.Алашбоев "ундай бўлиши мумкин эмас", дея жавоб берди. Имзони кўрсатганимизда эса, ўзининг имзоси эканлигини тан олиб, бу ёзувнинг нотўғри ёзилганини, буни ким ёзганини билмаслигини айтди. Сўнгра вақтинчалик кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Олмагул Абдувоҳидовани чақириб, уни ким ёзганлигини сўради. О.Абдувоҳидова буни Муборак Нажимова ёзганлигини айтди ҳамда ўз вазифасини бажараётганлигида Р.Шокированинг меҳнат дафтарчасига ҳеч нарса ёзмаганлигини таъкидлаб ўтди.

Меҳнат дафтарчасида Раъно Шокированинг меҳнат шартномаси 2001 йилда ҳам бекор қилинган экан. Энг қизиғи шундаки, у ёзувни ҳам, бу ёзувни ҳам бир киши ёзган! Бундан ташқари, иккала шартнома ҳам бекор қилинаётганида Искандар Алашбоев ХТБ мудири вазифасини бажарувчи шахс бўлган.

Искандар Алашбоев бу ёзув Муборак Нажимованики эканлигини тасдиқламаган бўлса-да, шу нарса аён бўлдики, 2001 йилдаги меҳнат шартномаси бекор қилинган вақтда М.Нажимова кадрлар бўлими бошлиғи бўлган ва биринчи ёзув айнан шу кишиники, иккинчиси эса бу билан бир хил эди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, М.Нажимова бу ёзувни ўзи ёзган. Биз эса, ҳамма ишни ўзи бажарадиган, ҳатто ХТБ мудири номидан фаолият юритаётган "универсал" директорнинг ноқонуний фаолиятига тушунмаган ҳолда ортга қайтдик!

Балки бу масалага Юқори Чирчиқ туманининг айрим мутасаддилари ойдинлик киритишар?!

**Шерзод АҲМАТОВ,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**



*Наманган муҳандислик педагогика институти қошидаги академик лицейнинг компьютер маркази илму толиблар билан доимо гавжум.*

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# ҚИЗҒИН УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикасининг парламенти, Польша-Ўзбекистон парламент гуруҳи раиси Элжбета Родзишевска бошчилигидаги делегация 23 сентябрь куни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида меҳмон бўлишди.

Йиғилишни университет ректори Ғайрат Шоумаров бошқарди ва меҳмонларни илм маскани ҳаёти билан таништириб чиқди. Кўпгина талабалар ўзларини қизиқтирган саволлари билан меҳмонларга мурожаат қилишди. Эътиборлиси шуки, талабалар саволларни польяк тилида бердилар. Савол-жавобдан сўнг университет талабалари польяк тилида қўшиқлар куйлаб беришди. Польша парламенти делегацияси болаларнинг илмга чанқоқ ва зукколигига катта эътибор беришди. Факультет талабалари ҳам учрашувдан жуда мамнун бўлдилар.

**Сарвар ФАЙЗЎЛЛАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

*Inson ikki manba — ruhiyat va moddiyatdan yaratilgan bo'lsa, bu ikki manbani birlashtirib turuvchi aql (tafakkur)ning ahamiyati ham juda katta.*

*Bola bilan har qanday baxtsizlik yuz bermasin, undan yuz o'girmaslik kerak. Unga inson bo'lib qolishida ko'mak berish muhim.*

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ — ЗАРУРАТ

Кундалик ҳаётимизда санъатни севмайдиган, ундан ҳайратланмайдиган киши бўлмаса керак. У инсонларга гўзаллик, матонат, чинакам дўстлик ва бахт-саодат улашади, бу шубҳасиз. Санъат асари қайси кўринишда бўлмасин ҳис-туйғумизга, руҳиятимизга таъсир этувчи маънавий гўзаллик сифатида намоён бўлади.

Тасвирий санъат ҳам энг қадимий ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир. Бунинг тарихи ибтидоий жамоа тузумига бориб тақалади. Ўша даврда ҳам одамлар ўз фикрларини, таассуротларини, ички кечинма ва ташвишларини ғор деворларида акс эттиришга ҳаракат қилишган. Бунга археолог қазилма топилмалари мисол бўла олади.

Тасвирий санъатимиз XVI-XVII асрларда айниқса, юксак даражага кўтарилган. Кўпгина митти суратлар (миниатюра) нафосати ва ижро санъатидаги назокати билан кишини лол қолдирган. Демак, чинакам тавсирий санъат асари бу — яратилган бирор иш, унинг моҳирлик билан пишиқ-пухта, чиройли бажарилишидир.

Мактабимизда биргина ўтган 2002-2003 ўқув йилида бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, "Тенгдошларим ижоди" стендида ҳар ойда ёш рассомларнинг энг яхши асарларидан намуналар бериб борилади. Тўгарагимиз яхши фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда 30 нафар ўқувчи ўзбек миллий тасвирий санъатини юксак поғоналарга кўтаришда улкан хизмат кўрсатган Чингиз Ахмаров, Ўрол Тансиқбоев, Абдулҳақ Абдуллаевларнинг асарлари билан танишиб боради. Айниқса, шарқ мусаввирлик санъатида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган аллома Камолиддин Беҳзод асарларида табиатнинг жонли тасвирланиши, ҳаёт манзараларининг аниқлиги ва ҳаққонийлиги, ишонарли ва таъсирчанлиги, чизиқларнинг нозик ҳамда рангларнинг нафислиги тўгарак аъзоларида бой таас-

### Ta'kid

сурот қолдирди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига атаб "Эртаклар — яхшиликка етаклар" мавзуида расмлар кўригини ташкил қилдик. Кўрикка 100 дан зиёд расмлар тўпланди. А.Қурбонов ва Б.Кенжаевлар вилоят ҳамда туман кўрикларида фахрли ўринларни эгаллашди.

Мактабимиз деворий газеталарининг кўркам, безакли ва мундарижаси бой бўлиши ёш рассомларимизнинг нечоғлик маҳоратларига ҳам боғлиқ. "Аланга", "Қизлар овози", "Настарин", "Маърифат" каби деворий газеталар ўтган ўқув йилида мунтазам ва намунали чиқарилиб келинди. Туман деворий газеталар кўрикларида ҳам қатнашиб турамиз. Бир неча марта фахрий ёрлиқ ва совринларни олишга муваффақ бўлдик. Шунингдек, муҳим ва унутилмас кунларга аталган суратлар ҳам мактаб маъмурияти томонидан рағбатлантирилиб келинади.

Тасвирий санъат асарларини турмушда деярли ҳар қадамда учратиш мумкин. Бозор дўконларидан бирон буюм харид қилсак унинг ранги, ундаги ёрлиқ аввало, диққат-эътиборларимизни тортади. Қайси ташкилот, муассаса ёки корхонага бормайлик, у ерда ҳам тасвирий санъат намуналарига кўзимиз тушади. Ўқувчиларнинг буюм ва ўқув қуролларидаги чиройли безак ва расмлар, деворлардаги турли жиҳозлар ҳам тасвирий санъат асарларининг бир намунаси бўла олади.

Қисқаси, тасвирий санъат ҳам кундалик турмушимизда зарур ва фойдалидир. Биз йилдан-йилга ўқувчиларимиз онгига бу санъатнинг сир-асрорларини ўргатиб, сингдириб, қизиқишларини ошириб боришга ҳаракат қиляпмиз. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида баъзи бир қийинчиликларга дуч келяпмиз. Масалан, кист, гуашь ва ёғли бўёқлар топилавермайди. Ана шу муаммоларимизга ечим топилса, келгусида ишимизнинг янада ривожланишига имкон туғилган бўлар эди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**
**Ғаллаорол туманидаги**
**78-мактаб ўқитувчиси**

### Anglash

# МОҲИЯТ БИРЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Инсон ўзида икки борлиқни: илоҳий нурга чулғанган руҳият билан фаришталар бенасиб бўлган вужудни мужассам этган.

Инсон тафаккури юксалиб бораётган бир даврда моддий тараққиёт билан бирга маънавий тараққиётни юксалтириш зарурлиги масаласи ўртага чиқди. Барқарор ҳаёт мувозанатни талаб этади. Шундай экан, вужудимиз эҳтиёжларига эътибор бераётган бир даврда маънавий эҳтиёжларимизни ҳам юксалтириб боришимиз лозим эканлигини унутмаслигимиз керак.

Руҳ ва вужуднинг бирлиги ҳақида ўтган файласуф олимларнинг деярли барчаси ўз фикрларини баён этганлар. Масалан, Азиззиддин Насафий бу икки ҳилқатни терининг ўнг ва терси дея таърифласа, Жалолиддин Румий данакнинг мағзи ва пўстлоғига қиёс қилади. Манбалардан маълум бўладики, нафақат Шарқда балки, Ғарб файласуфлари ҳам руҳ ва вужудни бир-биридан айри ҳолда ўрганишмасдан, икки борлиқ бир бутунликдагина маъно ва мазмун касб этишини уқтириб ўтишганининг гувоҳи бўламиз.

Миллатнинг буюклиги аждодлар яратган маънавий меросга, яъни ўтган даҳолар орқали тўпланган информация даражасига қараб белгиланиши сир эмас. Шу мақсадда руҳий ва вужудий борлиқни таҳлил этишга бел боғлар эканмиз, Шарқ меросидан фойдаланишни ўринли деб билиб, эътиборингизни Мавлавия тариқатининг асосчиси Жалолиддин Румийнинг руҳ ва жисмга берган таърифига қаратмоқчимиз: "Агар данакни чақиб, мағзини эксанг, унмайди. Қобиғи билан бирга тупроққа қадасанг униш ҳодисаси рўй беради". Данак мағзини руҳу қобиғи вужуд деб олинса, демак инсон фарзанди бирон мақсадга етишмак учун икки асосга таяниши лозим. Акс ҳолда мақсад ҳосил бўлмайди. Модомики, шундай экан, одамзот яшаш ва келажакка интилиш асносида ҳар қандай бир томонламаликдан тийилиб, ана ўша олтин ўрталикнинг бошини тутмоғи лозим.

Руҳ — моҳият, вужуд воситадир, моҳиятга етишиш фақат қалбда содир бўлади. Инсон ўзи табиатан зоҳирий бўлгани боис, доимо ўзига зоҳирий (кўриниб турувчи) далил қидиради, бироқ баъзан кўринмас туйғуларнинг майлини қилса-да, унинг моҳиятига, маънисига етишга ҳаракат қилмайди. Масалан, шу масалада Мавлоно Румий шундай дейдилар: "Сувда юрганингда бир томонда гуллар, бошқа томонда эса тиконлар борлигини сезасан. Аслида сен уларни кўрмайсан, бироқ сув остида гулзорнинг борлиги рўй-ростдир. Буни виждоний дейишади ва бу ҳиссий бўлгандан равшанроқдир. Чунончи, очлик, ғазаб ва севинч янглиғ ҳислар беш туйғу билан пайқалмайди. Бироқ кўринганлардан кўра кўпроқ маълумдир. Чунки, агар кўзингни юмсанг махсус нарсани кўрмайсан. Лекин ҳар қандай ҳийла билан ҳам очликдан қутулиб бўлмайди. Худди шундай иссиқ ва совуқ, ширин ва аччиқ ҳам кўзга кўринмайди. Фақат кўрингандан кўпроқ ва хўпроқ зоҳирдир".

Ҳар доим ички-ботиний олам кучли бўлади, чунки, зоҳирий-моддий олам ана шу ботиний оламнинг тажаллисидир. Ҳадиси Шарифда оламни яратишда Оллоҳнинг мақсади қуйидагича таърифланади: "Мен яшириш бир хазина эдим, билинмоқ истадим". Оллоҳ оламни ўзининг суратида яратди, инсонлар эса доимо ўзларига маҳзар (ўзини кўрсатиб турувчи нарса) қидирадилар. Чунки унинг моддий вужуди ўзи каби зоҳирий нарсаларни кўришга, идрок этишга эҳтиёжманд. Вужуд-восита, деган нақлимизга асосланиб ундан воз кечиш йўлидан эмас, балки вужуддан восита сифатида тўғри фойдаланишни англамоқ самаралироқ деган фикрга келамиз. Сезгиҳисларимиз моддий дунёни англамоқ, тафаккур этмоқ учун берилган, уларни руҳият билан боғловчи неъмат ақлдир.

Комилликка эришув инсониятнинг асрлар оша буюк орзуси бўлиб келган ва бизга ҳам сир эмаски, фалсафанинг олдида турган энг катта муаммолардан бири ҳам инсоннинг комилликка эришувидир. Комиллик — фақат руҳиятда эмас, балки инсон вужудида ҳам акс этади. Руҳи соғлом, виждони пок киши ҳасталиклардан холи бўлади. Инсон икки манба — руҳият ва моддиятдан яратилган бўлса, бу икки манбани бирлаштириб турувчи ақл (тафаккур)нинг аҳамияти ҳам жуда катта. "Ақл моддий ва маънавий олам ўртасида бир маҳалдир. Ақл ўз қудратига ноил бўлмоқ учун ҳам руҳий файздан, ҳам вужуднинг интизомидан улуғ ҳисса олади. Комил ақл ҳам руҳий олам, ҳам жисмоний оламга хизмат қилиб, икки дунё саодатига ноил этади", дея Мавлоно бежиз таърифламаган. Агар вужуд, яъни жисмоний тананинг қиймати руҳиятдан паст бўлганда эди, олам мувозанати дарз кетган бўларди, аксинча, улар бир-биридан келиб чиқиб, бир-бирини акс эттиради. Бунда фақат руҳиятнинг абадиятга, вужуднинг эса фанога дахлдор эканини онгли идрок этмоқ мақсадга мувофиқдир. "Руҳоният ва моддиятнинг ҳаракат, ҳамда таъсироти Ҳақ амри билан рўй беришини кўра билмаган инсон нодондир. Зеро, Оллоҳ инсонга бир томондан ақл каби мунаввар нурни эҳсон этди. Бошқа томондан Ўз ҳақиқатининг таблиғи учун илм-урфон манбаи бўлган пайғамбарларни юборди..."

Руҳ — вужуд ғорида пинҳон, ақл сунъий тўсиқлар ортига тушовланган бир жонивордек ташлаб қўйилса, одам одамлигини унутади. Айни бу ҳақиқат эса Жалолиддин Румий фалсафасида ўзига хос адолатли йўл — олтин ўрталикни танлаганида ўз ифодасини топган.

Мумтоз маънавий меросимиз ҳам, ҳозирги давр илм-фани ҳам инсон вужуди ва руҳияти орасидаги муносабатни барқарорлаштириш орқали комилликка эришув тамойилларини кўрсатиб ўтмоқда. Комиллик — руҳиятни тарбиялашдан бошланади, агар инсондаги фазилатлар, жумладан, гўзаллик унинг фитратида бўлмаса, вужуд гўзаллик касб этмайди. Чунки вужудий гўзаллик барқарор эмас, у ўзгаришларга мойил. Инсондаги ботиний ҳолатларни биз бир қатор атамалар билан ифода этамиз. Руҳий ҳолатларимизни белгилаб берувчи-қувонч, ғам, севинч, ғазаб, тушкунлик, кўтаринкилик каби туйғулар руҳониятимизнинг бевосита вужудимиз ҳаракатлари орқали намоён бўлишига олиб келади. Вужуд қай аҳволда бўлмасин, руҳият унга тазйиқини ўтказиб туради. Масалан, қувончимиз вужудимизда акс этганда ижобий ҳаракатларнинг кузатилиши бунга ёрқин мисол. Агар руҳий, ички туйғулар ақл-идрок билан вужудга кўчса, яъни моҳият борлиқда тажалли этса, бу кишининг баркамоллигидан дарак беради.

**Анвар ХОЛОВ,**
**Тошкент вилояти ЎМКҲТ бошқармаси маънавият ва маърифат бўлими мутахассиси,**
**Солиҳа ОЛЛОЁРОВА,**
**ЎзМУ фалсафа факультети III босқич талабаси**

### Mulohaza

# «БУ ЁМОН ИШ ЭМАС»

## деб ўйлайди ўз ўртоғининг буюмини олиб қўйган болакай

Болаларимиз нега ўғирлик қилади, деб ўйлаб кўрганмизми? Нега беш ёки олти ёшли болакайнинг баъзан кўчадан, ўртоқлари билан ўйнаб келгач қўлида коптокми, бирор бир ўйинчоқми бўлади? Бунга қайси ота-она эътибор берган?

Тўғри, ҳар бир ота-она боласининг бахтли, ҳаммадан ақлли, ҳалол инсон бўлиб вояга етишини истайди. Шунинг учунми бува-бувиларимиз, ота-оналаримиз доимо кичкинтойларга "ўғирлик қилма, ёлғон гапирма ёмон бўлади" деб уқтиришгани-уқтиришган. Аммо кўп ҳолларда катталарнинг орзу-ҳаваслари амалга ошмай қолади. Фарзанд тарбияли, одобли бўлмай, аксинча, бошқариш қийин бўлган мураккаб феъл-атворга эга бўлиб улғаяди? Ота-она баъзан ҳатто хаёлига ҳам келтиролмайдиган муаммолар билан юзма-юз келади... Худди шу пайтда уларнинг кўнглида "бунга ким сабабчи, тарбиянинг қаерида хатога йўл қўйдим. Бундай бўлмаслиги мумкин эдику" ва ҳоказо саволлар пайдо бўлади.

— Биз илдизмиз, — дейди руҳшунос ота-оналар. — Айни пайтда ёмонликнинг ҳам негизи ўзимизда. Авваломмбор ота-онанинг болага бўлган муносабати унинг келажагини белгилайди. Ёмон одатлар, хислатлар тақдирга, инсон ҳаётига таъсир этади — бу оғир юкни у умрининг охиригача елкасида кўтариб кетишга маҳкум.

Болалар нега ўзига ёққан нарсани кимники эканлиги билан қизиқмай уйига олиб келаверади, нима учун улар ўриғликнинг туб моҳиятини тушунмайдилар? Ўғирлик қилишга уларни нима мажбур қилади?

"Ўзимга ёққан нарсани олдим" деб ўйлайди болакай. Келинг, мисоллар билан гапимизни исботлашга ҳаракат қилайлик. Болага ўғирликнинг ёмонлигини, ҳар бир нарсанинг ўз эгаси бўлишини, бировнинг буюмига тегиш яхши эмаслигини қандай йўллар билан тушунтириш борасида гаплашайлик.

Биринчи синф ўқувчиси Элёр ҳар куни мактабдан нимадир — янги ўйинчоқ, ручка, рангли қоғоз сингари нарсаларни олиб келарди.

— Буни қаердан олдинг, — деб ойиси берган саволга қайсидир ўртоғининг исмини айтиб, "фалончи берди" дея тезроқ қутилишга ҳаракат қиларди. Кейинги кун "Анора совға қилди", индинига "Ботир берди" деб бир қанча ўйинчоқлар кўтариб келди. Шу тариқа анча-мунча ўйинчоқлар йиғилиб қолди. Бир куни уйда "момақалдироқ гумбурлади".

Ўқитувчиси онасига "Болалар Элёрнинг устидан шикоят қилишяпти" дея хабар берди ва қўшимча қилди:

— Элёр уларнинг сумкаларини титар экан. Болаларнинг турли буюмлари йўқолмоқда. Ўйинчоқлар, фломастерлар, ручкалар...

Онанинг устидан кимдир муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Дастлаб она шўрлик ўғлини отасига обдон калтаклатиб, уришиб хумордан чиқишни ўйлади. Лекин Элёр ана ўша пайтда онасининг қўлига тушмади. Мактабдан уйга қайтаётган онанинг кўнглида бошқа бир фикр уйғонди.

Элёр ҳайратдан ўзини йўқотиб қўйди. У онасини бу ҳолатда ҳеч қачон кўрмаганди. Она фарзандининг ёнидан индамайгина, оғзига талқон солгандек ўтди-да, унинг мактабдан йиғиб келган бор-будини катта пакетга жойлаб, қуруққина қилиб шундай деди:

— Яна борми?

Элёр онасидан яширган яна бир-иккита ўйинчоқларни чиқарди.

— Эртага буларнинг ҳаммасини олиб бориб, эгаларига топширасан. Она ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилса-да, кўзларидан қуйилиб келаётган ёшни тўхтата олмади. Бошини эгиб турган ўғлига:

— Мен ҳаётимда ҳеч қачон бундай изза бўлмагандим, — деди-да, эшикни ёпиб чиқиб кетди. Ўшандан буён анча сувлар оқиб, йиллар ўтди.

— Ўзимни анча босиб олгач, ўғлим билан гаплашдим, — деб эслайди Элёрнинг онаси. — Унинг бу қилиғини отасига айтмай тўғри қилдим деб ўйлайман. Элёр бировнинг нарсасига тегиш мумкин эмаслигини тушунмас экан. "Нима учун уларнинг нарсаларини ололмайман, ахир уйимда истаган нарсамни рухсатсиз ола оламанку. Мактабда ҳам шундай бўлиши керак эмасми?" Бу гапларни эшитиб қотиб қолдим. Элёрнинг бу ҳаракатини ўғирлик деб бўлмас экан.

Ҳа, болакай қилаётган ишининг ёмонлигини тушунмасди. Ахир бировнинг нарсасига тегиш ёмонлигини кимдир унга шу пайтгача айтмаган экан-да. Унинг ўзи эса, табиийки буни билмаган.

Педагогикада "болалар ўғирлиги" деган тушунча бор. Унинг катталар ўғирлигидан фарқи, бола ҳали ўзи қилаётган иш ёмонлигини унчалик тушунмайди, ҳис этмайди. Унинг тасаввурида у "ўзига ёққан нарсани олади", холос. Ахир икки-уч ёшли гўдак хоҳлаган одамининг қўлидан ўйинчоқ олиб ўйнай оладику. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, катталар болаларни "ўғирлик" қилгани учун жиноят қилгандек қаттиқ жазоламасликлари даркор. Буни болага хотиржам, Элёрнинг онасидек йўл тутиб тушунтиришлари, ўз фикрларини қатъий тарзда билдиришлари керак. Шунинг ўзи болага ҳар қандай жазодан кўпроқ таъсир қилади.

### БОЛАКАЙ САЛ УЛҒАЙГАЧ...

Каттароқ ёшдаги болаларда (9 ёшдан 12 ёшгача) ўғирлик ундаги ирода бўшлигидан: "истайман" деган хоҳишга "йўқ" деб жавоб беролмасликдан содир бўлади. Бундай болалар гарчи қилаётган ишларидан уялишса-да, лекин истакка қарши боришолмайди.

Уч қизалоқ — тўртинчи синф ўқувчилари ўғирликка қўл уришган. Улар болалар шифохонаси ташқарисида қолдирилган болалар аравачасини ўмаришган. Она гўдаги билан шифохонадан чиқса, аравачаси йўқ. Ўғирланган аравачани топиш унчалик қийин бўлмади. Қизлар қўшни уй ҳовлисида ўғирланган буюмлари билан бамайлихотир ўйнашарди.

Қизлар қилган ишларининг ёмонлигини тушуниб туришган, лекин озгина ўйнаб, жойига қўйиб қўямиз, деган хаёлда уни бемалол олиб кетишган. Қизлар арава эгаларига ўз исми-шарифлари, ўқиётган мактаб ва синфларини тўлиқ айтиб беришган.

Шундан сўнг мактабда намунавий йиғилиш ўтказилди. Қизалоқларни барча синф ўқувчилари билан тўла катта зал тўрига турғазиб қўйиб, ўқитувчилари бирма-бир уларнинг ҳатти-ҳаракатларини қоралаб, шу қилиқлари билан мактаб шаънига доғ туширганликлари ҳақида гапиришди.

Мажлисдан кейин ҳамма болалар "ўғрилар, ўғрилар" деб қичқириб, уларни бармоқлари билан кўрсата бошлашган. Шундан сўнг қизлар учун энг оғир қийноқ мактабга бориш бўлиб қолади.

Уйда ҳам уларни хурсандчилик кутмаётганди. Фақатгина бир она қизини ўша куниёқ бошқа мактабга ўтказди. Қолган ота-оналар эса ўқитувчилар тарафини олишди. Натижада иккала қиз дарслардан қочадиган, уйга ҳам вақтида келмайдиган бўлишди. Ким билади дейсиз, балки ўша мактабда олинган "сабоқ" уларнинг тақдирларини остин-устун қилиб юборгандир. Қизалоқлар ўша воқеадан кейин ўзларининг дунёдаги энг қабиҳ одам эканликларига ишониб қолгандирлар? Болалар қалби жуда нозик бўлади. Уни яралаб қўйиш осон. Катталар учун шунчаки ўткинчи воқеа бўлиб туюлган ҳодиса, бола юрагида чуқур из қолдиради, унинг ҳаётини бутунлай бошқа томонга буриб юборишга қодир.

"Ёлғизлигида уриш, ҳамманинг олдида мақта", деган тарбиянинг олтин қоидаси бор. Боланинг ҳатти-ҳаракати устига чизиқ тортиб, унга қоп-қора бўёқлар чаплаш ярамайди. Унинг хатоси чиндан ҳам ўша бола аслиятига айланиб кетиши мумкин. Онам айтаяптими — демак мен шунақаман. Отам айтаяптими — демак мен ёмонман.

Ўсмирлик даврида эса "Ҳа, мен ёлғончиман, ўғриман. Нима қилибди", деб у ҳатто ота-онасига ҳам қаттиқ гапириб юбориши мумкин.

* * *

Бола вояга етгани сари ўғирлик муаммоси мураккаблашиб бораверади. Болаликнинг илк даврида ташланган қадам, шунчаки билмай туриб қилинган хато. Ўсмирлик ёшида (12-16 ёш) бу энди ўйлаб ташланган қадам, ёмон одатдир. Лекин 14 ёшли бола, тамом бўлган одам яъни ҳақиқий ўғри, каззоб бўлиб қоладими?

Бир танишим бундан бир неча йиллар аввал бўлиб ўтган воқеани қуйидагича гапириб берди:

«Бир куни тарбияси қийин бола сифатида милиция ҳисобида турадиган Соҳиб билан суҳбатлашдим. У кўп бора ўғирлик қилган. Соҳиб "дарчадан кирувчи ўғри" эди. Очиқ қолдирилган дарча ўзгалар уйига кириш учун унга йўл бўларди. Соҳиб ўғирлаган нарсалар ҳарбий дурбин, пейжер, плеер, бир жуфт оёқ кийими.

— Шу каби майда нарсалар ота-онангни, ўзингни шарманда қилишга арзийдими?

— Гап нарсада эмас, - деб қўлини силтади Соҳиб.

— Бўлмаса нимада?

— Биласизми, очиқ қолган деразаларни кўрсам, юрагим ҳаприқиб кетади, — деди жонланиб Соҳиб. — Тирмашасан — тутиб олишлари мумкин. Уйга кириб олганингдан сўнг уй эгалари келиб қолиши мумкин. Баъзан шундай ҳолатлар юз берса сездирмай чиқиб кета оламанми, йўқми, деб ҳам ўйлаб қоламан. Э, деразадан уйга кириш қизиқ-да.

— Сенинг ишинг таваккал қилиш эканда-а?

— Ҳа, — тасдиқлади Соҳиб.

— Ундан кўра учувчи бўлсанг яхши бўлармиди? — дея мулоҳаза билдирдим.

Соҳиб бошини қуйи эгди. Орадан бир муддат вақт ўтиб, у парашютдан сакрашни ўрганаётганлигини эшитиб қолдим. Кейинроқ эса Соҳибнинг учувчилар тайёрлайдиган даргоҳда таҳсил олаётганлигидан ҳам хабардор бўлдим».

Соҳиб каби саргузашт ишқибозлари оз деб ўйламанг. Ҳар қандай боланинг ўз боғида олмаси пишиб ётсада, қўшнисининг олма дарахтига чиқиб, унинг мевасидан олишни яхши кўриши бор гап. Бунга уни нима мажбур қилишини ўзи ҳам билмайди.

Болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини назоратсиз қолдириб бўлмайди. Аммо ўғирлик сабаблари турлича бўлиши мумкинлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Ҳукм чиқаришдан аввал ҳодисанинг туб негизини англашга ҳаракат қилинг. Баъзан айбли деб топилишга етарли бўлмаган ҳолатлар содир этилади.

Бола билан ҳар қандай бахтсизлик юз бермасин, ундан юз ўгирмаслик керак. Унга инсон бўлиб қолишида кўмак бериш муҳим.

### БАЪЗАН БУ КАСАЛЛИК БЎЛИШИ МУМКИН

Агар бола яширин турмаган нарсаларни илиб кетаверса, бу хавотирли белгидир. Кўпинча у қачон ва кимдан нарса олганлигини эслолмайди. Баъзан уни нима учун олганлигини ҳам тушунтириб беролмайди. Бола ўзига умуман кераксиз нарсани ҳам олиши мумкин, лекин уни дарҳол ташлаб юборади ёки йўқотиб қўяди. У ўша нарсани олишдан ўзини тийиб туролмаганлиги учун ҳам ўғирлик қилади.

Бу касаллик клептомания (грек тилида "klepto" "ўғирлайман" ва "mania" "телбалик".) деб номланади. Бу ногоҳ ўғирликка ундайдиган туйғунинг пайдо бўлиб қолиши билан белгиланади. Бундай вазиятда болани тарбиялаш эмас, шифокорга кўрсатиш зарур.

Ота-оналар лоқайд бўлишса, ёки бу дардни ўз усуллари билан "даволашга" киришишса, касаллик авжига чиқиб кетиши мумкин. Клептомания билан «оғрийдиган» кўпгина болалар вақт ўтиши билан профессионал ўғриларга айланишади.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Кўпчилик шунча гапни ўқиб чиққанидан сўнг "Болалар ўғирлигини қандай қилиб йўқотиш мумкин?" экан деб ўйлай бошлаган бўлса керак. Юқоридаги саволга "Қалам қоғозни олиб, қуйидаги тавсияларни ёзаверинг", деб аниқ бир жавобни бериб бўлмайди. Аммо болани қўрқитувлар, таъқиқлар, калтаклар билан бу йўлдан қайтариб бўлмаслигини айтиб ўтиш ўринли. Уни фақатгина ички ҳис, яъни УЯТ туйғуси тўхтатиб қолиши мумкин. Чунки ҳеч ким "Ўғирлик уят эканлигини биламан, лекин ўғирлайман" деб ўзини оқлай олмайди. Уят кўнгилнинг ёмон одатлар билан чиқишолмаслиги. Ёмон одатлар қилишни истамаслигидир.

Бир куни қизингиз ёки ўғлингиз келиб:

— Онажон, бугун мен ўқитувчимни алдадим, фақат ҳеч кимга айтманг, — деб қолсаю, сиз унга:

— Майли, шундоғам устозинг ҳеч нарсани билмайди, — деб айтсангиз, фарзандингизда уят туйғуси пасаяди. Шундай вазиятда:

— Уятсиз, муаллимингни алдашга қандай ҳаддинг сиғди! Бу жуда уятли иш, — десангиз, у кейинчалик сиз билан маслаҳатлашиш керак ёки керак эмаслиги ҳақида ўйлаб қолади. Натижада баъзи сирларини сиздан яширадиган бўлади.

Учинчи бир она боласи билан бафуржа ўтириб суҳбатлашади. Унга кўпгина нарсаларни тушунтиради. Қизалоғига, ўғлонига маслаҳат беради. Шунда улар уятсиз бўлиб қолмаслик учун ҳам устозини алдамайди. Ўртоқларининг сумкаларини титкиламайди.

Мана шундай ҳар кунги "майда-чуйдалар", ҳатти-харакатлар, сўзлардан боланинг ҳаётий билими ошиб боради, у яхши-ёмоннинг фарқига бора бошлайди.

Агар ота-оналар учун пул, бойлик, ҳовли-жой ҳамма нарсадан муҳимроқ бўлса, уларга эришиш учун ота-оналар ҳеч нарсадан тап тортмасалар улар фарзандларини алдай олмайдилар. Яъни оилада камолга етаётган ўғил-қиз ўз ота-оналари "ҳақиқатлари"ни дарров англаб етадилар. Алалоқибат уларнинг изидан кетишни бошлайдилар.

Сўнгсўз ўрнида руҳшунослар шуни айтишадики, энг аввало болалар ўз айбларига иқрор бўлишни ўрганишсин. Бу гарчи жуда-жуда қийин бўлса ҳам.

**Матбуот материаллари асосида**
**Шарифа МАДРАҲИМОВА**
**тайёрлади.**

***Holbuki, genetika, biotexnologiya va gen muhandisligi kabi zamonaviy fanlarni o'zlashtirish biokimyo fanini o'qitish saviyasiga ko'p jihatdan bog'liqdir.***

***Ustozning ajoyib insoniy fazilatlari uni yarashiqli xol kabi bezar, insonlarning qalbiga ezgulik nuri va shuurini olib kirishni o'zining vijdoniy burchi deb bilardi.***

**Qonun va fuqaro**

# ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

**(44-мақола)**

Мазкур қонун 1993 йилнинг 7 майида қабул қилинган бўлиб, у 6 бўлим, 21 моддадан иборат. Қонун ички хўжалик обороти ва халқаро кредит ҳисоб-китоб муносабатларида валюта операцияларини амалга ошириш, тартибга солиш ва унинг валюта ресурсларини бошқаришда давлат идораларининг ваколатларини, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда хорижий давлатларнинг валюта бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишдаги ҳуқуқлари ва бурчларини, валютани назорат қилиш асосларини ва Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарликни белгилаб беради.

Қонунга 1994 йил 23 сентябрда киритилган ўзгаришга кўра, Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги — сўмдир.

Қонунда бир қатор атамаларга таъриф берилган. Валюта бойликлари, чет эл валютаси, резидентлар, норезидентлар, валюта операциялари, вакил қилинган банклар атамалари шулар жумласидандир. Унга кўра, валюта бойликларига чет эл валютаси (чет эл пул белгилари), чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар, вексellар, аккредитивлар), қимматбаҳо металлар (ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи металлар — палладий, иридий, родий, рутений, осмий), табиий қимматбаҳо тошлар (сайқал берилган ва сайқал берилмаган шаклдаги олмос, лаъл, зумрад, ёқут, александрит, марварид) киради. Резидентлар ва норезидентлар атамалари ҳам қонунда кўплаб учрайди. **Резидентлар** — Ўзбекистонда муқим яшаш жойи бўлган, вақтинча мамлакатимиздан ташқарида турган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар, шу жумладан чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикасининг иммунитетга ва дипломатия имтиёзларига эга бўлган хориждаги дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек, мамлакатимиз корхоналарининг чет элдаги ваколатхоналаридир. **Норезидентлар** — хорижда муқим яшаш жойи бўлган, шунингдек, вақтинча Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахслар, чет эл юридик шахслар, чет эл дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналаридир.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида ягона қонуний тўлов воситаси бўлган пул бирлигининг харид қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган ягона пул-кредит сиёсати ўтказилади.

Резидентлар ўртасидаги муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги ҳар қандай талаб ва мажбуриятларнинг тўлови учун чекловсиз қабул қилинади.

Жисмоний шахс бўлмиш резидентларга Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи ва бошқа рағбатлантириш тўловларини чет эл валютасида нақд пул билан тўлаш таъқиқланади. Ўзбекистон Республикасининг иммунитетга ва дипломатия имтиёзларига эга бўлган хориждаги дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг чет элдаги ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган ҳоллар бундан мустаснодир.

Мамлакатимизда валютага оид муносабатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, ваколат берилган банклар (масалан, Миллий банк) бошқаради. Ўзбекистон Республикасида валюта бойликларига эгалик ҳуқуқи мулк объектларига эгалик ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади ва ҳимоя қилинади.

Шунингдек, қонунда ушбу қонун нормаларини бузганлик учун айбдорларнинг жиноий, маъмурий, фуқаролик, ҳуқуқий жавобгарликка тортилишлари ҳақидаги огоҳлантирувчи қоида ҳам назарда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 1-қисмига кўра, фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда (яъни, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда) валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган.

**Миродил БАРАТОВ,**
**Шоира ЮЛДАШЕВА**

**Fikr**

# БИОЛОГИК БИЛИМЛАР:
## У ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

*Ҳозирги пайтда дунё ҳақидаги ахборотлар сонини ҳар соатда 200 млн. сўз билан ифодалаш мумкинлигини эътиборга олсак ва улар матнга айлантирилса, ҳажми 5000 саҳифадан кам бўлмайди. Инсоннинг физиологик жиҳатдан янги маълумотни ўзлаштириш қобилияти эса соатига бор-йўғи ярим саҳифани ташкил қилади.*

*Умумбашарият қисқа вақт оралиғида индустриал жамиятдан юқори технология билан қуролланган ахборотлашган жамиятга ўтиб олди. Демак ахборотнинг ўзи ҳозирги кунда қимматбаҳо маҳсулотга айланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, биология фанига оид янги ахборотлар ҳажми ҳам кўп. Улардан энг муҳимлари жумласига XXI асрнинг бошидаёқ соматик (тана) ҳужайраси намунасидан бутун бир индивиднинг айнан нусхасини яратиш ва вояга етказиш имкониятига эришиши, геномнинг ишлаш механизмлари очилиши, инсон геномининг тўлиқ «ўқилиши» кабилар киради. Жаҳон олимлари табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро бирбири билан боғлиқлигини, уларнинг спиралсимон тавсифли ривожланиш босқичлари орқали янги сифат кўрсаткичларига ўтиб боришини қайд этмоқдалар. Бу эса олий таълимнинг барча йўналишлари бўйича биологиянинг пухта ўқитилиши зарурлигини, шу йўналиш бўйича кадрлар тайёрлашда янги педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланишни тақозо қилади.*

*Ҳозирги фан-техника ва технологиялар ривожидаги кескин сакрашлар босқичида экологик, инсониятни боқиш, кўпгина ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларининг камайиб, йўқолиб бориши хавфи, ишончли даволаш воситалари топилмаётган касалликларнинг кўпайиб кетаётганлиги, табиий мувозанатнинг издан чиқиши оқибатида олдиндан маълум бўлмаган мутацияларнинг пайдо бўлиши, кимёвий воситаларнинг кўплаб қўлланилиши, деҳқончилик учун фойдаланиладиган ерлар таркибининг тубдан ўзгариши натижасида табиий ҳосилдорликнинг камайиб кетиши каби муаммолар инсониятни ташвишга солмоқда. Бу масалаларнинг ечими, биринчи навбатда, биология фанининг тараққиётига, биологик усул ва технологияларнинг татбиқ қилиниш савиясига боғлиқдир. Буларни чуқур тушунадиган ва уларни бартараф қилиш учун муносиб улуш қўша оладиган кадрларни тайёрлаш давр талабидир. Ҳозирги ахборотлар, янгиликлар ва кашфиётлар даврида тўпланган бениҳоя катта ҳажмдаги биологик билимларни ўқув режасида белгиланган тарзда, нисбатан қисқа муддатда талабаларга бериш учун замонавий қулай таълим технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.*

*Шу каби инсоният учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни эътиборга олганда, ҳар бир мутахассис, айниқса, фундаментал ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий-тадқиқот олиб борадиган кадрлар бу масалалар ечимига ўз улушини қўшиши лозим. Чунки ҳозирги пайтда биология муаммолари ечимини математик ва кимёвий таҳлилларсиз, физик ва техник воситалар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.*

*Биологияга тегишли фанларни ўқитиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросининг ҳозирги сифат босқичида қатор вазифаларни кечиктирмасдан амалга ошириш ниҳоятда зарур.*

*Биология ва экология таълим йўналишларининг ўқув режасидаги фанлар рўйхати ва соатлар тақсимотининг қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Булар биринчидан, биология йўналиши бўйича ўсимликлар физиологияси, одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимё каби ҳаётий жараёнлар механизмини тушунтирувчи фанларга ажратилган соатлар бу фанлар бўйича берилиши лозим бўлган билимлар ҳажмига мос эмас. Ҳатто 2-блокда ўқитиладиган органик кимё, физикавий ва коллоид кимё фанлари соатларидан ҳам камроқ берилган. Ҳолбуки, генетика, биотехнология ва ген муҳандислиги каби замонавий фанларни ўзлаштириш биокимё фанини ўқитиш савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ботаника, зоология, одам анотомияси, цитология, гистология каби фанларда қатор мавзулар, айтайлик, хўжайралар мавзусининг такрорланишини эътиборга олиб, бу фанлар учун ажратилган соатларнинг бир қисми ва талаба танлови асосида ўқитиш учун мўлжалланган соатдан маълум қисми ҳисобига юқоридаги фанлар учун қўшимча соат ажратиш мумкин.*

*Иккинчидан, «Экология ва табиатдан фойдаланиш» йўналиши ўқув режасига кимёвий фанларнинг ҳар бирига 108 соатдан ажратилгани ҳолда биокимё учун умуман соат ажратилмаган. Экологлар учун ҳужайра, тўқима, организм, биоценоз, беогеоценоз, биосфера миқёсидаги жараёнлар бўйича биокимёвий ва генетик билимлар мажмуасига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Демак, мазкур мутахассислик ўқув режасига «Биокимё» ва «Генетика» фанларини киритиш зарур.*

*Замонавий ўқув дарсликлари, мультимедиали ва гипермедиали электрон дарсликларни кўплаб яратиш ва кенг фойдаланишни жорий қилиш лозим. Чунки биология фанини жадал равишда ўзлаштириш учун биологик ва биокимёвий жараёнларни жонлантирилган тарзда ўрганишнинг аҳамияти катта.*

*Малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациялари мавзуси маълум биологик ва экологик муаммоларни қандайдир тарзда ҳал қилишга қаратилганлиги ва улар экспериментал тадқиқотлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли илмий раҳбарлар ва талабаларга ажратилган соатларни бирмунча ошириш мақсадга мувофиқдир.*

*Ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув ва илмий лабораторияларда тадқиқотлар олиб боришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва шунга мос ўқув жиҳозлари ҳамда воситалари билан таъминлашни кучайтириш лозим.*

*Ўқув дастурларини, айниқса, уларнинг амалий машғулотларга оид қисмини ҳозирги талаблар асосида қайта ишлаб чиқиш керак.*

*Биология йўналиши ўқув режасининг иккинчи блокида биологларга кимё мутахассислигини ҳам қўшиб бериш кўзда тутилган 5 йиллик ўқув режаси айнан такрорланган. Бакалаврлар учун кимёвий фанларга ажратилган жами 360 соатлик ўқув машғулотларини бироз ихчамлаштириш ва битта «Умумий кимё» фани сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ. Тежалган соатлар ҳисобидан экология ва табиат муҳофазаси, инсон саломатлиги каби табиий фанларни киритиш ўринли бўларди.*

*Кетма-кетликни белгилашда ҳам мантиқий номутаносибликлар мавжуд. Жумладан, «Биокимё»ни ўқитиш «Одам ва ҳайвонлар физиологияси»дан олдин режалаштирилган. Лекин биокимёвий ўзгаришлар моҳиятини тушуниш учун дастлаб физиологик тафсилотларни билиш муҳим. Шу сабабли фанларни ўқитиш тартибини ўзгартириш, хусусан, «Биофизика»ни ўтишни VIIдан VI семестрга ўтказиш, IV семестрдан бошлаб эса «Одам ва ҳайвонлар физиологияси»ни, V ва VI семестрларда «Биокимё»ни ўқитиш керак.*

*Ўқув дастурларида республикамиз иқлимий шароитлари, экологик вазияти ҳамда биолог ва эколог кадрларга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олиниши шарт. Бўлғуси мутахассис кейинчалик ўзи фаолият кўрсатадиган ҳудуднинг табиий шароитларига, ўсимлик ва ҳайвонот олами хилма-хиллигига, аҳолининг саломатлигига таъсир этувчи омилларга оид билимлар мажмуасини эгаллаган кадр бўлиб етишиши лозим.*

*Хулоса қилиб айтганда, XXI аср «Биология асри» деб тан олиниши муқаррар. Дарҳақиқат, бу фан яқин келажакда умумбашарият олдида тўпланиб қолган кўпдан-кўп глобал муаммолар ечимини топишда ва тараққиётни таъминлашда ўзининг салмоқли ўрнини эгаллайди.*

**Х. КЕЛДИЁРОВ,**
**СамДУ биология факультети декани, доцент,**
**М.САФИН,**
**доцент**

# ЭЛ ИЧИДА, ЭЛГА ЭШ БЎЛИБ

**Ajdodlarimiz**

Омонулла Охунд Жўрабой ўғли Қўралосий атрофи тоғлар билан қуршалган Қўшработ туманининг Қўралос қишлоғида XIX аср иккинчи ярми XX асрнинг 30-йилларида (1858-1934) яшаб ижод этди. Дастлабки сабоқни Мулла Иброҳимдан, кейин Қайнар қишлоқлик Абдуалим Охунддан олди. Илмга бўлган ташналик уни Бухоро мадрасасига етаклади. Муҳтожлик ва оғир қийинчилик унинг мадраса таълимини эгаллашга бўлган чанқоқлигини сўндира олмади. Машаққатли таҳсил йиллари у атрофга деярли танилиб бўлганди. Хаттотлик санъати сирларини тезда эгаллаган Омонулла иқтисодий қийинчиликлардан қутулгандай бўлди. Бўш вақтларида буюртмачиларга хат, васиқа, рисола ва китобчалар кўчириб, шунинг эвазига оз миқдорда қалам ҳақи олиб, айни пайтда саводини чиқарарди.

Саҳродан ҳам шунақа одамлар чиқарканми, дейишарди баъзи мадраса мударрислари у ҳақда. Мадрасани тугатиб, қишлоғига қайтди. Оилавий шароит унинг ўша даргоҳга мударрис бўлиб қолишига монелик қилганди. Оилаларида нохуш кунлар кетма-кет такрорланиб турарди. Ота-онаси ва акаси Омонхол вабо касаллигидан вафот этишди. Россияга бедарак кетган укаси Давлат қўлини тирсагидан поездда кесдириб ногирон бўлиб қайтди. Давлат узоқ яшамади. Яна ўша томонга кетиб, қайтиб келмади.

Омонулла таклиф қилишса ҳам амалдорлик мансабларига бормади. Озроқ ерида деҳқончилик қилиб, бўш вақтида болаларни ўқитди. Кўплаб фарзандларни билим нуридан баҳраманд этди. Бу ҳазрати инсоннинг биринчи нияти одамлар қалбини илм нури билан ёритиш эди. У шу мақсадига эришди ҳам. Иккинчидан, ноёб қўлёзмаларни кўчириб, ўзининг хаттотлик санъатини ҳам намойиш қила бошлади. У тасаввуф илмининг билимдони, араб, форс ва турк тилларини мукаммал биладиган ҳокисор инсон эди. Кундузлари дунёвий ишлар, болаларни ўқитиш билан машғул бўлар, тонг саҳардан яна мутолаага шўнғиб кетарди. Сокин тонгларни у хўрозларнинг қичқириғи билан қарши олар, зикр ва тиловат унинг қалбига тобора мустаҳкам ўрнашиб борарди. Қарияларнинг гувоҳлик беришича, ҳеч ким унинг бекор ўтирганини кўрмасди. У гоҳ тиловат, гоҳ зикр билан, гоҳ ёзиш билан банд бўлган. Сўнгги йиллардаги қатағонлик даврида унинг яратган ижодий маҳсули бизгача етиб келмаган. Фақатгина хаттотлик намуналаридан ташкил топган асарлари авайлаб сақланган. Унинг дастхатида кўчирилган 4 та Қуръони карим, бир нечта "Чор китоб", "Ҳафтияк" ва бошқа асарлар сақланиб қолган. У меҳнаткашларнинг меҳрибон кишиси эди. Қатағон йилларида у адолат ва ҳақ йўлида узлатда яшаб ўтди. Мулла Охунд 1934 йилда бандаликни бажо келтирди.

Омонулла Охунд доимо мўмин-мусулмонлар тарафида бўлиб, уларга раҳнамолик қилган. Буни ҳанузгача оғиздан-оғизга ўтиб келаётган Нурота ҳокими Турсунхўжа, Қўралос қишлоқлик Норбой Лафас ўғли ва Пичот қишлоғидан Болхон бойвуччалар ораларида бўлиб ўтган ер ва сув жанжаллари тўғрисидаги ҳангомалар ҳам тасдиқлайди. Ҳокимнинг авом халққа етказган зуғумлари Омонулла Охундни ҳам бефарқ қолдирмасди. Қачонки, ҳоким ишдан олиниб, ўз юрти — Нуротани тарк этиб, Тожикистонга кетаётганда ўз қилмишларига тавба қилиб, Омонулла Охунддан узр сўраб, ризолашган эди.

Устознинг ажойиб инсоний фазилатлари уни ярашиқли хол каби безар, инсонларнинг қалбига эзгулик нури ва шуурини олиб киришни ўзининг виждоний бурчи деб биларди. У нафсни қораловчи инсон эди. "Нафсимга тош" иборасини қўллар ва унга ҳамиша амал қиларди.

Байт:
Нафсимга тош, нафсимга тош,
Нафсинг билан уруш.
Нафс йўлига кирсанг агар,
Бир дамда аждаҳо бўлур.

Унинг бу айтган қалб сатрлари тингловчиларни лол қолдирарди. Аҳли жамоанинг суюкли фарзанди бўлгани учун ҳам ул зот Худо йўлига тортиқ қилган нарсаларни етим-есирларга, муҳтожларга, мискинларга улашарди. Унда истиқболга ишонч ва башорат кучли эди. У ўзи яшаётган мўъжаз қишлоқнинг атрофидаги янтоқзор, бутазорларга нигоҳ ташлаб: "Ҳадемай бу кенгликлар обод масканга айланади. Кўкни сим тўрлари қоплагай" деб қўяр экан.

Мана, бугун ҳар бир киши бу башоратнинг ҳақиқатта айланганига гувоҳ бўлмоқда. Қўшработ осмонида тортилган сим ёғочлар ва газ қувурлари бунинг исботидир. У киши меҳнат аҳлининг, мўмин-мусулмонларнинг энг яқин кишиси ва дўсти эди. Агар бирор оддий инсон ўз маъракасига таклиф қилса, бар вақт борар, амалдорларнинг йиғинларига эса асло шошилмасди.

Омонулла Охунд одамларнинг ўзига ихлос қилишларини истамас, ҳамма қатори ўзини Оллоҳнинг бандаси деб биларди. Кимки унинг ёнини олиб лаганбардорлик қилса "Мен сизни яхши одам десам, мазангиз йўқ киши экансиз" деб танбеҳ берарди.

Умуман, меҳнаткаш халқнинг, мўмин-мусулмонларнинг ул зотга эътиқоди ва ишончи беқиёс эди. Олдига нажот излаб келган кишининг нияти ушалмай қолмасди. Ўзида бор билим ва иқтидорни ўзгаларга улашишдан эринмайдиган маърифатпарвар инсон Омонулла ўғли Охунд ҳақида бугун кўпчилик билмаслиги мумкин. Аммо ул зотнинг авлодларига у кишидаги хислатлар, фазилатлар кўчиб ўтган бўлса, не ажаб.

**Ёрбек ТЎЙМАНОВ,**
**нафақахўр**
**Қўшработ тумани**

# ЎКСИК ҚАЛБЛАРГА МЕҲР УЛАШАЁТГАНЛАР

*Дунёда ўксик қалбларга меҳр-муҳаббат улашишдек олийжаноб иш бўлмаса керак. Баъзан эртасини ўйламай кайф-сафо қилиб юрадиган, кейинчалик эса ўша жирканч иллатлари туфайли ақли заиф ёки жисмоний жиҳатдан нуқсонли туғилган болажонларнинг ота-онасига айланиб қолганидан пушаймон бўлиб юрадиган кишиларни кўриб ёқа ушлайсан, киши. Ана шундай ўксик қалбли болаларни тарбиялаб, уларнинг рисоладагидек ҳаёт кечиришига кўмаклашишга ҳаракат қиладиган масканлардан бири шаҳримизнинг Чилонзор туманида жойлашган 66-махсус меҳнат таълими мактабидир. Мазкур мактаб дастлаб 1933 йилда Олой бозорининг ёнида очилган ва бу ерда 50 нафарга яқин ўқувчилар тарбияланганлар. Кейинчалик 1967 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган зилзиладан сўнг махсус мактаб 173-умумтаълим мактабининг қошида алоҳида синф бўлиб очилган. Вақт ўтиши билан бу масканда ўқийдиганлар сони орта бошлагач, Чилонзор туманидаги 1-мавзе, 9-уйда ташкил қилинган. Бора-бора бу ерга кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ақлан заиф, етим, ярим етим бўлган ўқувчилар ҳам қабул қилина бошлаган.*

*Бугунги кунда мазкур таълим-тарбия масканида 363 нафар қалби кемтик болажонлар тарбияланмоқда. Уларнинг ҳар бирига алоҳида муомалада бўлиб, ҳар қандай инжиқликларини кўтара оладиган 55 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар фидойи устоз Маълума Хўжаева бошчилигида самарали меҳнат қилмоқдалар.*

*Болажонларнинг ўзларини бахтиёр сезишлари ва уларга ҳам чуқур эътибор берилаётганлигини ҳис қилишлари учун доимий равишда «Мустақиллик байрами», «Устоз ва мураббийлар куни», «Ҳарбийлар куни», «Қомусимиз— номусимиз», «Янги йил бахт келтирсин», «Онажонлар байрами», «Ассалом, Наврўз!», «Сўнгги қўнғироқ» каби анъанавий байрамлар; «Темур— буюк шахс», «Навоийхонлик», «Кулинг дўстлар», «Спорт— менинг ҳаётим» деб номланувчи ноанъанавий байрамлар ўтказилиб борилади. Бундай тадбирларни ўтказишда мазкур педагогик жамоа аъзолари Маҳбуба Ҳакимова, Ҳилола Асатуллаева, Уғилой Ҳамзаева, Шавкат Тожиев, Абдуваҳоб Мусаев, Содир Исомиддинов, Мурод Хўжаевларнинг ташаббускорликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш учун «Мини футбол», «Моҳир қўллар», «Рассомлик», «Тикувчилик», «Компьютер ўйинлари», «Сартарошлик», «Қуёнчилик», «Чилангарлик», «Дурадгорлик» каби тўгараклар олиб борилади. Ушбу тўгараклар орқали болаларнинг саломатликлари тикланади, ижтимоий ҳаётга мослаштирилади.*

**Maxsus maktablarda**

*Махсус мактабидаги таълим жараёнлари барча педагогик жамоа аъзолари томонидан янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилади. «Интерфаол», «Мусобақа» усуллари ёрдамида ўқувчиларга мавзунинг мазмун-моҳияти ёритилади. Дарс жараёнларида турли кроссвордлар, кўргазмали қуроллар, заковат саволлари, донишмандлик ўйинлари, саҳна кўринишлари (ривоятлар орқали), синквейин ўйини (мавзуга оид сўзлардан фойдаланиб гап тузиш), фонтамима ўйинларини тажрибали, амалиётчи ўқитувчилар М. Хўжаева, Л. Семенова, Е. Муратова, А. Пименова, А. Ҳусанова, Х. Асатуллаева, Д. Нурматовалар олиб борадилар. Бундай усуллар эса боланинг умумий салоҳиятини, мустақил ишлашини, эркин фикрлашини ривожлантиради, билим даражасини оширади. Мактабда олий ўқув юртлари ва бошқа турли ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИдан ўқитувчилар, талабалар келиб, педагогик амалиётини ўтайдилар. Мазкур махсус ўқув муассасасида ёшлар жамоаси шаклланган, шунинг учун бўлса керак, барча педагогик жамоа аъзоларида янгиликка интилиш, ижодкорлик, илмийлик мактаб жамоасининг ҳар бир амалга ошираётган ишларида яққол кўзга ташланади.*

*Мазкур махсус меҳнат таълими мактабининг ташкил этилганлигига шу йилнинг октябрь ойида 70 йил тўлмоқда. Мактабнинг педагогик жамоасининг келгусидаги педагогик фаолиятларида ҳам зафарлар тилаб қоламиз.*

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Oramizdagi odamlar**

# УСТОЗЛИКНИ УЛУҒЛАБ КЕЛМОҚДА

Бу касбнинг нонини ҳалол топиб, шу касбда ўзини бахтиёр санаган ва шодлигу қувончини ўз ўқувчилари орасида баҳам кўрган инсонлар, шоир айтганидек, тупроқдек хокисор, қаноатда тоғдек улуғворлар. Хаёл мени беғубор болалик йилларимнинг ўчмас хотира дафтарига нурли сатрлар бўлиб битилган дамларимга етаклайди. Илк бор қалбим қувончу орзуларга лиммо-лим тарзда мактаб қучоғига қадам қўйган дақиқаларим, 1-синфга қабул қилган меҳрибон ўқитувчим Мавлуда опа Раҳмонова, сўнгги бор қўнғироқ жаранглаб, бизни мустақил ҳаётнинг пасту баланд кўчалари томон чорлаганида, бизларга 10 йил мобайнида илм берибгина қолмай, эзгу ишлар қилишга, ота-онага ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялаган, айни вақтда меҳр тўла кўзлари билан бизга боқиб оқ йўл тилаётган азиз устозларим кўз олдимда гавдаланади.

Бу касб эгаларига бўлган чуқур ҳурматим ва меҳрим туфайли мен ҳам шу касбни танладим. Мана, 15 йилдирки, ўз касбининг фидойилари, жонкуяр, қалби дарё кекса муаллиму устозлардан касбим сирларини ўрганиб, янгиликка интилувчан, билимдон, зукко касбдошларим билан ёнма-ён туриб болаларга илм-тарбия берарканман улар ҳақида тўлқинланиб сўзлагим келади.

Шу истак билан, мен бир даргоҳда ўқувчиларга билим бериш билан биргаликда касб сирларини ўргатиб, ўз шогирдлари меҳри ва ишончини қозонган муаллим Гўзал опа Ҳайдарова ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Коллежимиз педагогик жамоаси бу ўқитувчини чуқур ҳурмат билан тилга олишади. Гўзал опа бундай ҳурматга сазовор бўлишига сабаб, аввало, унинг самимийлиги, очиқ кўнгил, камтарин ва тўғри сўзлиги бўлса, яна ўз касбига, ишига бўлган садоқати, жонкуярлиги, билимдон ва зукколигидир, деб ўйлайман.

Г.Ҳайдарова кўп йиллардан бери шу касб-ҳунар даргоҳида ишлаб чиқариш устаси ва физика фани ўқитувчи сифатида ишлаб келади. Чевар қизларга тикиш-бичиш сирларини ўта талабчанлик билан ўргатиб боради.

Ўз ўқувчиларига, талаба қизларига касб сирларини ўргатиш билан бирга уларга келгусида оилада керакли бўлган зарур ва муҳим маслаҳатларини беради. Балки шунинг учун бўлса керак, неча йиллар ўтса-да, унинг шогирдлари ёнига тез-тез келиб туришади, ҳол-аҳвол сўрашади.

Менинг назаримда Гўзал опа табиатан ўқитувчилик учун туғилган инсон. Унинг жонкуярлиги, тиришқоқлиги, баъзан соғлигини-да ўйламай, ёниб дарс ўтаётганини кўриб, кичик жуссасида, шоир айтганидек, тоғдек улуғворлик борлигига амин бўласан киши. Гўзал опа ўқитувчилар оиласидан. Унинг онаси Дилбар опа Исломова Тошкент қурилиш техникумида 31 йил болаларга математика фанидан сабоқ берганлар.

«Онамнинг ҳар қандай шароитда ҳам, бир маротаба ўз ишидан нолиганини эсламайман, мен ҳам онам каби шу шарафли ва савобли касбни танлаганимга шукрона айтаман, чунки ўз ишимни, болаларни севаман», дейди Гўзал опа.

Ҳа, бу тиниб-тинчимас талабчан ўқитувчини ҳар доим ўқувчилари қуршовида учратасиз.

Саволлар устига саволлар ёғилади. Гўзал опа барчасига жавоб беришга ҳаракат қилади. Ўз дарсларида, амалий машғулотларида янги педагогик иш услубларини қўллашга, ҳар бир дарс ва машғулотларни қизиқарли, жонли, техника воситаларини қўллаган ҳолда кўргазмали қуроллар ёрдамида унумли фойдаланишга интилади. Унинг дарсларида ўқувчилар ўзлари ясаган мустақил ишларидан фойдаланадилар.

Гўзал опа ўқувчиларда ўз фанига, шунингдек, касбга бўлган қизиқиш, билим ва маҳоратларини ошириш мақсадида гуруҳлараро танловлар, викторина ва кўргазмалар ташкил қилади. Уларни ўтказишда раҳбарликни ўз зиммасига олади.

Ҳамкасбларининг сафида ёшларга бутун меҳри ва билимини бера олган, уларнинг ҳурматига сазовор бўлган мана шундай жонкуяр инсонларни кўриб ўз касбингдан фахрланиб кетасан киши.

**Одина АБДУСАТТОРОВА,**
**Қўйлиқ маиший-хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

## АҚШнинг ЭНГ БОЙ ОДАМЛАРИ

**Йилнинг охирига келиб америкалик миллиардерлар бунданда бойиб кетди, деб хабар тарқатди "Форбс" журнали. Бу журнал шу билан бирга энг бой америкаликларнинг рўйхатини ҳам эълон қилди. Рўйхатда 400 нафар миллиардерлар келтирилган. Уларнинг жами маблағи 955 миллиард долларни ташкил қилар экан.**



**Бу магнатлар бундай натижага хусусий интернет акциялари ва техник секторларининг ўсганлиги натижасида эришган. 2000 йилдаги иқтисодий кризис булар учун тарих бўлиб қолди.**

**Ҳозир эса буларда мўътадиллик сақланмоқда. Американинг энг бой Mikrosoft корпорацияси (Билл Гейтс компания хўжайини) 12 ой ичида 3 миллиард доллар даромад кўрган ва ҳозирда 46 миллиард маблағ эгасидир.**

**Шу ерда АҚШнинг энг бой одамларини санаб ўтсак. Билл Гейтс (46 млрд. долл), Уоррен Баффет (36 млрд.долл.), Пол Аллен (22 млрд. долл), Уолтон (20,5 млрд долл), Ларри Эллисон (18 млрд.долл), Майкл Делл (13 млрд долл), Стив Балмер (12,2 млрд. долл), Кокса (11 млрд.долл), Жон Клюге (10,5 млрд.долл), Марса (10,4 млрд.долл).**

**Яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, бу ўнлик нафақат АҚШ магнатлари, балки дунё миллиардерлари ҳамдир.**

## ХИТОЙ КОСМОСГА ОДАМ УЧИРМОҚДА

**Хитой Европанинг "Галилей" спутник навигациясига сармоя ажратиш учун битим тузди. Чунки Хитой шу йили космосга одам учиришни режалаштирган.**



**Хитой бу спутникка 230 миллион евро ажратди. Мутахассисларнинг айтишича, бу лойиҳа амалга ошса американинг GPS қурилмасига рақобатчи бўлар экан.**

## ТУ — 160 ФАЛОКАТГА УЧРАДИ

**Саратовдан 43 км. узоқликда Советский посёлкасида ТУ—160 самолёти фалокатга учради. Унга двигателларнинг биридан ўт чиқиши сабаб бўлди. Ҳалокат жойида 4 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди.**

**Мутахассисларнинг айтишича, экипаж аъзолари ўзларини қутқаришга улгурмаган, сабаби ўша ҳудудда 20 минг аҳоли яшайди. Ундан ташқари газ қувурлари ҳам ўтганлиги уларни қийин аҳволга солиб қўйган.**



**"Оқ турна" номи билан машҳур бўлган ТУ—160нинг узунлиги 54,1 метр бўлиб, баландлиги 13,1 метрни ташкил қилади. Энг юқори тезлиги соатига 2200 км.**

**Ҳалок бўлган 4 нафар экипаж аъзоси ҳам профессионал учувчилар эди. Уларнинг ҳар бири 1500 дан 2000 соатгача парвозда бўлган.**

**Интернет асосида тайёрланди.**

## Dunyo mamlakatlari

# КАНАДА






Жаҳоннинг энг ривожланган "Катта саккизлиги"га кирувчи Канада бугун дунё ҳамжамиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг иқтисодий ўсиши, турмуш тарзи бошқа давлатлардан ўзгачадир. Бундай дейишимизга сабаб Шимолий Америка материгининг шимолий қисмида жойлашган Канада давлати совуқ қутбдаги ороллардан таркиб топган. Майдони катталиги жиҳатдан дунёда иккинчи ўрин (Россиядан кейин)да туради. Унинг майдони 9,971 млн км². Аҳолиси 31,5 млн. киши. (2003 йил, БМТ маълумоти). Пойтахти Оттава шаҳри (1 млн. аҳоли яшайди). Энг катта шаҳарлари: Торонто, Монреаль, Ванкуверлардир. Маъмурий жиҳатдан 10 та вилоят (province) ва 3 ҳудуд (territory)га бўлинади. Аҳолининг учдан икки қисми инглиз канадаликлар (44 фоиз) ва француз канадаликлар (28 фоиз). Туб аҳолиси — индейслар (533 минг) ва эскимослар (салкам 33 минг). Давлат тили инглиз ва француз тилларидир. Кўпчилик аҳоли христиан динига эътиқод қилади.

Уларнинг пул бирлиги канада долларидир. Келинг, шу ерда Канада давлатининг Ўзбекистон билан ўрнатган дипломатик алоқаларига тўхталсакда, шу зайлда мавзуни давом эттирсак.

Канада давлати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олди ва 1992 йил 7 апрелдан дипломатик алоқалар ўрнатди. Иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар 1996 йилдан амалга оша бошлади. 1998 йилда Ўзбекистоннинг Канадага экспорти қора металл ва ундан ясалган буюмларни юборишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Канададан электр асбоб-ускуналари, пластмасса, ойна, полиграфия саноати маҳсулотлари, сут, гўшт ва балиқ маҳсулотлари сотиб олади. 1999 йил якуни бўйича мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 15,68 млн АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистондан Канадага экспорт кескин ўсиб, савдо 6,77 млн. АҚШ долларига етди. 1999 йил 17 июнда иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва сармоя солиғи тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳақида конвенция имзоланди.

Канаданинг турли компания ва нотижорат ташкилотлари Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ва нефть-газ конларини ишга туширишда қатнашишмоқда. Навоий вилоятидаги Тандир майдонини геологик жиҳатдан биргаликда ўрганиш тўғрисида 1998 йил октябрда Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан "Хеброн Фиорд Ресоурсес Инн" компанияси ўртасида тузилган шартномада Канада томони салкам 4,5 млн. АҚШ доллари сарфлаши кўзда тутилган. Компания мутахассислари белгиланган иш дастурини бажаришга киришди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Канаданинг "Пратт энд Уитни" компанияси билан Ил-114 самолётлари учун PW-127 двигателларини етказиб бериш соҳасида бевосита ҳамкорлик қила бошлади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Канаданинг "Нортел Телеком" компанияси билан 1993 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётир. Кейинги 8 йил мобайнида ушбу компания билан жами 29 млн. АҚШ доллари қийматига эга бўлган 8 та шартнома амалга оширилиб, Ўзбекистон — Америка "Ўздунробита" қўшма корхонаси учун асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Канаданинг бир қанча молия муассасалари билан алоқа ўрнатган. Икки мамлакат ўртасида таълим, фан ва техника соҳасида, жумладан, бир-бирларига талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар ва мутахассислар юбориш, уларнинг малакасини ошириш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Энди бевосита Канада давлат тузумига келадиган бўлсак, у Буюк Британия бошчилигидаги ҳамдўстлик таркибидаги федератив давлат. Амалдаги Конституцияси 1982 йил 17 апрелда кучга кирган. Давлат бошлиғи Буюк Британия қироли (қироличаси), унинг номидаги генерал-губернатор давлатни бошқаради. Қиролича генерал-губернаторни Канада бош вазирининг тавсияси билан одатда, 5 йил муддатга тайинлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қиролича номидан генерал-губернатор ва 2 палатали парламент (сенат ва жамолар палатаси) амалга оширади. Ижроия ҳокимиятни қиролича номидан генерал-губернатор ҳамда бош вазир ва вазирлардан иборат ҳукумат амалга оширади (1993 йилдан бош вазир Жан Кретьен).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмаларига келадиган бўлсак, Либерал партия 1873 йилда расмий рўйхатга олинган. Прогрессив консерватив партия 1951 йилда тузилган, Канада Коммунистик партияси 1921 йилда вужудга келган. Квебек партияси 1968 йилда тузилган, янги демократик партияга 1961 йилда асос солинган. Касаба уюшмалари бирлашмалари — Канада ишчилар конгресси 1956 йил тузилган, Миллий касаба уюшмалари конфедерацияси 1921 йилда вужудга келган.

Канадада тарихан инглиз ва француз мактаби тизимлари таркиб топган. Инглизча тизим АҚШ мактаб тизимига ўхшаш: 12 йиллик умумий таълим мактаби 6 йиллик бошланғич, 3 йиллик кичик ўрта, 3 йиллик катта ўрта мактаблардан ёки 8 йиллик бошланғич ва 4 йиллик ўрта мактаблардан иборат.

Квебек вилоятида французча таълим тизими: 6 йиллик бошланғич ва 5 йиллик ўрта мактаб ишлайди. 5-7 ёшдан 14-16 ёшгача бўлган болалар учун бепул мажбурий тўлиқсиз ўрта таълим жорий этилган. Давлатга қарашли таълим бепул бўлган мактаблари билан бир қаторда хусусий (пулли), асосан, диний ва этник гуруҳлар қарамоғидаги мактаблар ҳам бор. Улардаги дарслар ўша гуруҳлар тилида олиб борилади. Олий ўқув юртларида пул тўлаб ўқилади. Барча вилоятларда университетлар бор. Уларнинг энг йириклари Торонто, Ванкувер, Кингсток, Монреаль, Квебек университетларидир. Энг йирик кутубхоналари эса: Парламент, Халқ, миллий, Монреаль ва Торонтодаги халқ кутубхоналаридир.



ОАВлари ҳақида гапирадиган бўлсак, Канадада 114 та кундалик газета ва 1200 та ҳафтанома нашр этилади. Этник гуруҳлар (немис, итальян, хитой ва б) тилларида 300 га яқин газеталар чоп этилади. Энг йириклари: инглиз тилида — "Глоб энг мейл (1844 йилдан чиқа бошлаган) ҳозирда 300 мингдан ортиқ нусхада, "Торонто-стар" ("Торонто юлдузи" кундалик газета, 1982 йилдан чиқа бошлаган) 400 минг нусхада, "Газет" (кундалик газета, 1778 йилдан чиқа бошлаган) 150 минг нусхада, "Оттава ситизен" ("Оттава фуқароси" — кундалик кечки газета, 1845 йилдан чиқа бошлаган) 150 минг нусхада, "Ванкувер сан" ("Ванкувер қуёши", кундалик кечки газета, 1886 йилдан чиқа бошлаган) 250 минг нусхада чоп этилади.

Француз тилида эса — "Девуар (кундалик газета 1910 йилдан чиқа бошлаган) 40 минг нусхада, "Пресс (кундалик кечки газета, 1884 йилдан чиқа бошлаган) 200 минг нусхада, "Солей" (кундалик кечки газета, 1896 йилдан чоп этила бошлаган) 100 минг нусхада чоп этилмоқда.

Канадан Пресс Миллий ахборот агентлиги (1917 йилдан ташкил этилган) бор. "Канадиан бродкастинг корпорейшн" — Си-би-си, Канада радио эшиттириш ва телекўрсатув корпорацияси 1936 йилда ташкил этилган. Радиоэшиттириш 1926 йилдан, телекўрсатув 1952 йилдан фаолият бошланган. Умуман 115 та теле ва 2000 та радиостанция ишлайди.

**Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.**

## Қадрли инглиз тили мухлислари!

*31 августдан эътиборан Ўзтелерадиокомпаниясининг халқаро телеканалида "Инглиз тили курси" намойиш этилади. Ушбу кўрсатув "American Councils", АҚШ элчихонаси ҳамда "UzPAK" билан ҳамкорликда тайёрланган. Дастур 20 та кўрсатувдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан (Урганч, Бухоро, Фарғона, Тошкент) АҚШда таҳсил олиб келган инглиз тили муаллимлари янги методикани қўллаб, дарс олиб борадилар. Талабалар ролида АҚШда ўқувчилар дастури бўйича ўқиб келган тошкентлик йигит-қизлар қатнашган.*

*Курс саволлари "Ma'rifat" газетаси ҳамда www.dl.uz интернет сайтида ҳар ҳафта чоп этилади.*

*Марҳамат, тўртинчи дарс саволини ёзиб олинг.*

*1. What Love idioms do you know?*

*2. Jeseph thihks Naggie is the worst person in the world. Is he head over heels in love?*

*Курс якунида 2004 йилнинг 11 январь куни энг фаол талабалар АҚШ элчихонаси томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланадилар.*

**Жавобларингизни қуйидаги манзилга жўнатинг: Тошкент 700011 Навоий, 69 TV-4 Инглиз тили курси uztv-4@uzpak.uz**

**Ҳаммага омад тилаб қоламиз!**

## А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда 2003 йилнинг октябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

| | |
|---|---|
| 1. Туман(шаҳар) ХТБ назоратчилари | 16—29 октябрь |
| 2. Туман(шаҳар) ХТБ мудири ўринбосарлари | 16—29 октябрь |
| 3. Туман(шаҳар) ХТБ тарих-география методистлари | 2—15 октябрь |
| 4. Туман(шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистлари учун илғор педагогик технологияларни ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси | 2—15 октябрь |
| 5. Вилоят халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) ХТБ ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари раислари учун ўқув курси | 2—15 октябрь |
| **Умумий ўрта таълим мактаб директорлари, мутахассислик фанлари бўйича:** | |
| 6. Ўзбек тили ва адабиёти | 2—29 октябрь |
| 7. Тарих-география | 2—29 октябрь |
| 8. Математика-информатика | 2—29 октябрь |
| 9. Физика, умумтехника фанлари | 2—29 октябрь |
| 10. Рус ва хорижий тиллар | 2—29 октябрь |
| 11. Кимё-биология | 2—29 октябрь |
| 12. Ёш директорлар (5 йилгача) | 2—29 октябрь |
| 13. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларининг бошланғич синф ўқитувчилари | 9—29 октябрь |
| 14. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг "Одобнома" ўқитувчилари курси | 2—15 октябрь |
| 15. Ташхис марказлари дефектологлари | 2—15 октябрь |
| 16. Ёш табиатшунос ва экологлар маркази (ЁТЭМ) директорлари | 16—29 октябрь |

**ЭСЛАТМА**

*1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари ва бошқалар машғулот олиб борадилар. Санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи музейи, Хотира майдони, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик музейи ҳамда бошқа музей ва зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.*

*2. Тингловчилар сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва улар режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.*

*3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган ва пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.*

*4. Хоҳловчилар профилакториянинг ўзидан нақд пулга йўлланма олишлари мумкин.*

**Манзил: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.**
**Транспорт: Шимолий темирйўл вокзалидан 20-троллейбуснинг «Талабалар шаҳарчаси» бекатигача**

## ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

**Ogohlik**

*Мана, ёзнинг иссиқ кунлари ҳам ўтиб кузнинг совуқ кунлари кириб келмоқда. Ҳадемай қишнинг совуқ аёзли кунлари бошланади. Бу даврда ёнғинларнинг бирмунча кўпайиши табиий ҳол. Аммо шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, ёнғинлар аксарият ҳолларда фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатида содир бўлади.*

*Халқимизда бекорга "Сув балосидан ва ўт балосидан асрасин" деган нақл юрмайди. Ёру дўстлар билан учрашиб қолсак, саломатлигини, оила тинчлигини сўраб-суриштирамиз. Бироқ, тинчлик-осойишталик нақадар олий неъмат эканлигини ҳамма вақт ҳам англаб етавермаймиз. Лоқайдлигимиз, маъсулиятни унутиб қўйишимиз натижасида ёнғин содир бўлса, тинчликнинг қадри билинади. Нима учун биз соғлигимиз ҳақида фақат уни йўқотганимиздан сўнг, тинчлигимиз ҳақида фожеа юз бергандагина ўйлашимиз керак. Шунинг учун бор имкониятни ишга солиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг. Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими Сизлардан қишнинг совуқ кунларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга амал қилишингизни сўрайди.*

*Жумладан:*

*— Электр ва газ иситиш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг ва қаровсиз қолдирманг.*

*— Ювилган кийимларни қуритиш учун очиқ алангага яқин жойга османг.*

*— Дудбуронлардан ёнғин чиқмаслиги учун ўз вақтида тозалаб туришни унутманг.*

*— Ёш болаларни уйда ёлғиз ва қаровсиз қолдирманг.*

*Ушбу ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсангиз, ўз хонадонингизда ёнғин келиб чиқишининг олдини олган бўласиз.*

*Унутманг, ҳар қандай ёнғин — бу катта йўқотишдир!*

**Дилмурод НОРСИДИҚОВ,**
**Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, ички хизмат катта лейтенанти**

## ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН!

Юнусобод туманида жойлашган маҳаллаларда 2003 йилнинг ўтган 8 ойи давомида турар жойларда, 57 та очиқ майдон ва бошқа ерларда 92 та ёнғин содир бўлган. Ёнғинлардан тан жароҳат олганлари 2 нафар. Етказилган моддий зарар 589700 сўмни ташкил қилган. Туман ҳудудида энг катта содир бўлган ёнғинлар:

— 9 февралда М.Миркаримов кўчаси 3-уй 43-хонадонда содир бўлган ёнғин оқибатида 15 м² майдонда уй жиҳоз буюмлари зарар кўрган.

— 2 февралда Турон деҳқон кўчаси 24-уйдаги ёнғинда 80 м² майдонда уй буюм жиҳозлари ва том ёғоч панжараси ёниб тушган.

— 25 февралда Отчопар кўчаси 39-уйда ёнғин содир бўлиб 50 м² майдонда уй жиҳоз буюмлари ва том қурилмалари зарар кўрган.

Юқорида кўрсатилган ҳоллар қайтарилмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингизнинг ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

**Ф.СОДИҚОВ,**
**Юнусобод ЁХБ инспектори ички хизмат катта лейтенанти**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Ҳусановга волидаи мҳтарамаси

**ҲИКОЯТ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қарши давлат университети маъмурияти ва жамоа ташкилотлари университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори, доцент Поён Равшановга отаси

**Равшан ҚУРБОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

**Ҳурматли устозларимиз!**

**Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Абдулла Қаҳҳор номли 63-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоаси.**

**Биз сиз азиз устозларимизни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан самимий қутлаймиз. Ҳамиша ёшларга сабоқ беришдек эзгу ишда муваффақият ёр бўлсин. Сизларга Оллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб**

**Тошкентдаги бир гуруҳ собиқ шогирдларингиз**

## ПЕЛЕ МОСКВАГА КЕЛДИ

**1958 йилдаги футбол бўйича жаҳон чемпионатидан сўнг футбол ишқибозлари орасида машҳур бўлиб кетган "Футбол қироли" Пеле Москвага ташриф буюрди. Уч марта жаҳон чемпионатида қатнашган футболчи рақиб дарвозаларини 1282 марта ишғол қилган.**

**Ташриф чоғида журналистлар томонидан «Сиздан кейин яна ким футбол қироли бўлиши мумкин?» деб берилган саволга Пеле шундай жавоб берди: "Мендан кейин футбол қироли туғилишини билмадиму, лекин шуни аниқ биламанки, у Пеле бўлолмайди. Чунки отаонам футбол қироли туғилишини якунлаб қўйган" — деб жавоб берди.**



**Пеленинг бошқа футболчилардан яна бир фарқи шунда бўлганки, у 20 йил давомида битта "Сантос" клубида тўп сурган. Шу томони билан ҳам у ўз ишқибозларининг нигоҳидан йўқолмайди.**

## АНГЛИЯ ФУТБОЛИ: ПУЛ БИЛАН МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИША ОЛМАЯПТИ

**Англия премьер лигаси Европа футбол лигасида энг кўп маблағ сарфлар экан.**

**Шундай бўлишига қарамасдан, Лига чемпионатида Англия жамоалари яхши мувафаққиятга эриша олмаяпти. Охирги 12 йил ичида Англия жамоаси Лига чемпионатига фақат бир марта чиқди.**

**Франция ва Голландия бундай натижага 2 мартадан, Испания жамоаси 4 марта, Италия жамоаси эса 3 марта эришган.**

**Келинг, шу ерда Англия футболига ажратилаётган маблағларга тўхталиб ўтайлик. Англия футболига бир йилда 8 млрд. доллар маблағ ажратилар экан. Англиянинг ўртача жамоаларига 500 миллион доллар пул ажратилар экан. Италия ва Германия клублари эса 200 миллион олар экан. Лекин Англияда шунча маблағ ажратилса ҳам четдан легионерларни сотиб олиш паст даражани кўрсатади.**



**Яқин йиллар ичида Англия лигаси чет эллик легионерлар учун 350 миллион доллар сарфлаган бўлса, Италия эса 1,3 миллиард маблағ сарфлаган. Мадриднинг "Реал" клуби эса 3 та футболчи Фигу, Зидан ва Рональдога 180 миллион доллар сарфлаган.**

**Мутахассисларнинг фикрича, Англия футболи ҳам кўп пулни чет эллик легионерларга сарфласа, муваффақиятларга эришишини айтмоқда.**

**Интернет асосида тайёрланди.**

**Singlim “voy” desa ham, qo‘shni bolakayning burni qonasa ham, men dakki eshitaman... Bilmadim, men qanday qilib yaxshi odam bo‘larkanman-a...**

**Hattoki, bunga astoydil qiziqqan yaponlar 170 dollar to‘lab, choy damlash, uni tinitish, so‘ngra huzur bilan ichishni o‘rganadilar.**

Ma'rifat

## Ko‘ngil bitiklari

### НЕЧУН СУЗИБ КЕТДИНГ, БОЛАКАЙ

*(Ч.Айматовнинг “Оқ кема” асарини ўқиб)*

**Нечун сузиб кетдинг, болакай?**
**Нима кўнглинг айлади нохуш?**
**Одамларни тарк этдинг нега?**
**Балиқ бўлмоқ этдингми хоҳиш?**

**Гўдак қалбинг недан сесканди?**
**Нафратингми ҳар бир ёвузга?**
**Истамадинг мурғак қалбингнинг,**
**Айланишин совуқ бир музга.**

**Нечун жимсан, бермайсан овоз,**
**Йўл олдингми оқ кема томон.**
**Ҳатто исминг айтиб кетмадинг,**
**Балиқ бўлиб қолган, эй, инсон.**

**Юрак амр қилган туйғуни,**
**Ўзинг учун айладинг қонун.**
**Қайтаролмай ҳатто Чингиз ҳам,**
**Тақдирингга ясадинг якун.**

**Гулчеҳра ШАЙМАНОВА,**
**Чироқчи туманидаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси**

### ТЎРТЛИКЛАР

**Халойиқ дер: Бас энди қоматинг тут тик**
**Ер ғамин кўй пора бўлган либосинг тик.**
**Халқ-ку шундай дер лекин кўрса уни,**
**Деган бўлар эди минг бора жонинг тик.**

***

**Ер мени лол этган ул бўйингмидур,**
**Ё ҳар тонг чоғи келар бўйингмидур.**
**Айт нечун кўрсам кўзим қамашади,**
**Ёки кўз олувчи ул бўйингми дур.**

***

**Ерга мен, менга ҳам ёрим ёқадир,**
**Севгимиз бир бўлса гулхан ёқадир.**
**Агар ишқ биз учун бир либос бўлса,**
**Шаксиз ўзим енгу ёрим, ёқадир.**

**Мурод ЎНГБОЕВ,**
**талаба**

### БОБУР ҒАЗАЛИГА НАЗИРА

**Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна...**
**Мен нечун қилмай гина ул қаро қошдин яна.**
**Қирқта кокил қирқилиб бўйнидан бўлди баланд...**
**Мўъминага бу одат келдиму тошдин яна.**
**Хипча бели тўлғониб дўстларин излар ва лек**
**Мода, деб юрмиш “Санам” ажралиб сочдин яна.**
**Панд еган сочга қаранг ҳам бўялган ранг-баранг**
**— Шу маъқулми? — деб сўранг кексаю ёшдин яна.**
**Ё оёғи ногирон, ё белими, не сабаб —**
**Эр йигит кўлтиғида қўли ёнбошдин яна.**
**Эй замондош, тавба қил, дам-бадам ушлаб ёқа.**
**Чиқмасин, дейлик йўғони ўша юввошдин яна.**
**Менга-ку йўқдир зарар ё Сизга борми самар...**
**Ниятим — тош чиқмасин покиза ошдин яна.**
**Ўйладим... Сўрайинму, барча дилни поклашим...**
**Нўҳу Лутни поклаган ўша Фаррошдин яна.**
**Ёзди Дарвеш, Сиз ўқинг ҳам фикрланг-ку, бироқ**
**Сабабини сўраманг қайта бир бошдин яна.**

**Мавлонжон АБДУРАИМОВ,**
**нафақадаги ўқитувчи**
**Чиноз тумани**

## Ватан манзаралари



# ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

***(Дам олиш саҳифаси)***

## БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ, АЛБАТТА, ЎЗИНГ ТУШАСАН

**Hikoya**

Содир бўлган қотилликда Ҳерберт иккита нарсадан тўппонча ва бир неча грамм героиндан фойдаланди. Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Ҳа, гап Ҳенриетта Кўстер ва бир неча йил олдин, отасининг ўлимидан сўнг қолган бир миллион евро ҳақида кетар эди.

Ҳенриетта ёш, гўзал ва мустақил аёл, яъни эркин қуш эди. У теннис ўйнаётганда Ҳерберт Инграмм ҳам бошқа теннис клуби аъзолари сингари унга суқланиб тикилиб қолар эди. Бошқа теннис ўйновчи эркаклар уни диққат билан кузатсалар ҳам, бу нарса Ҳенриеттани ҳеч ҳам ҳайрон қолдирмасди. Ҳерберт Инграмм бўлса аёлларни яхши тушунар эди. Айнан шу сабабли у ўша аёлнинг бутунлай бошқачалигини сезди. Фақат у билан яхшилаб танишиб олса бўлгани. Шундай қилиб у оддийгина йўл билан наф келтирадиган режа ҳақида ўйлай бошлади. Ҳенриетта Эссендаги Балденей дарёсига моторли қайиқда кечки сайлга таклифнома олганида, Ҳерберт аллақачон ўйинда ғолиб чиқиб бўлган эди. У бу қайиқни фақат шу кеча учунгина ижарага олган ва бу кеча учун анча-мунча пул ҳам сарфлаб улгурган эди.

Моторли қайиқ арзон эмас эди. Аммо бу нарса унинг учун бари бир, чунки қарзлари уни анчадан бери қийнаб келаётган эди. Агарда у Ҳенриетта Кўстерга уйланганда эди, у молиявий томондан яхши таъминланган бўлар эди.

Улар бир-бирларини жуда яхши тушунишди ва биргаликда келажак ҳақида орзу қила бошлашди. Кейинги ҳафталарда ҳам улар жуда бахтли эдилар, лекин бу нарса Вольфганг Ҳенкел теннис клубига аъзо бўлиб, келгунига қадар чўзилди. Вольфганг жуда яхши спортчи бўлиб, теннисни Ҳербертдан яхши ўйнар эди. Ҳерберт Вольфгангни рақиби бўлади деб ҳеч ҳам хаёлига келтирмаган. Ҳаммаси Ҳерберт Инграмм теннис майдончасига пиво ичгани бораётганида, яъни тушликдан олдин содир бўлди. У боғ майдонида бирдан Ҳенриеттани Ҳенкелнинг BMWси олдида турганини кўриб қолди. Сўнгра у пиво ичаётиб деразага қараган эди, тўсатдан Ҳенриеттанинг Ҳенкел билан чақчақлашиб турганини кўрди. У охирги майдонда Ҳенкел билан теннис ўйнарди. Ҳерберт эса уларни эътибор билан кузатиб турарди. Ҳенкел Ҳенриеттага теннисни қандай тўғри ўйнаш кераклигини кўрсатиш учун унинг қўлларидан тутди. Ҳенриетта унга қараб кулди ва ҳаттоки унга қисқа бўса ҳам берди. Ҳерберт нима қилишни билмай ўйланиб қолди. У ғамга ботган эди, чунки у келажагини хавф остида кўрарди. Вольфганг Ҳенкел Инграмм учун ўта хавфли эди. Бирдан Инграмм тез ўйлаб кўриши лозимлигини ва яна нималарнидир режалаштиришни хаёлидан ўтказди. Ҳенкелни тезроқ бир ёқлик қилиш ҳақида ўйлаб қолди. Аввалига Вольфганг Ҳенкелнинг ҳозиргача ҳаёти қандай кечганлигини билиш учун хусусий фирмага буюртма берди. Фирма хизматчилари Ҳенкелнинг ўтмиши ҳақида маълумотлар йиғиши керак эди. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг фирма хизматчилари Ҳенкел гиёҳванд моддалар муаммолари туфайли бир йил аввал тўсатдан Мюнхендан кетганлиги ҳақида маълумот берди. Суд ҳайъати олдида эса буни ҳеч ким исботлай олмаган экан. Унга қарши ҳеч қандай далиллар ҳам йўқ эди. Шундай қилиб, у тадбиркор сифатида Эссен шаҳрига келиб қолган. Инграмм яхшилаб ўйлаб мушоҳада қилиб кўрди. Бу нарсалар уни бир тўхтамга олиб келар эди. У қўлламоқчи бўлган қотиллик режаси ажойиб эди. Режасини амалга ошириш учун у халқаро теннис мусобақаси бошлангунча кутиши лозим эди. Ҳенкел бўлса жуда зўр теннисчи эди. Ҳар йили худди шу шаҳарда бўлиб ўтадиган теннис мусобақасида Ҳенкел ҳозиргача биринчи бешлик теннисчилар ичидан жой олар эди. Мусобақадан сўнг ҳар доим боғ меҳмонхонасида катта базм уюштирилар эди. Инграмм бу йилги базмни уюштиришга ёрдам берди. Базм кечки соат тўққизларда бошланиши керак эди. Бунгача у меҳмонхонадан билдирмасдан чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Соат 15 минут кам 20 да Инграмм Ҳенкел яшайдиган уй олдида тўхтади. Эшик қўнғироғини чалаётганда қўлида қўлқоп ҳам бор эди. Ҳенкел эшикни очди. У аллақачон базмга бориш учун кийиниб, башанг бўлиб олган эди. Ҳенкел Инграммни кўриб бирор нарса дейишга улгурмасданоқ, Инграмм уни қаттиқ итариб, тўппончасини чиқарди-да, отиб ташлади. У мурда ёнидан чопиб ўтиб, Ҳенкелнинг ёзув столи олдига борди ва унинг устига героинга қўшиб кичкина бир хат қўйди. Шундан сўнг у хонани бамайлихотир тарк этиб орқасидан эшикни ёпди. Машинага ўтиришидан олдин, тўппончани дарёга улоқтирди. Сўнг у боғ меҳмонхонаси пастидаги гараж орқали ҳеч кимга сездирмасдан базмхонага кириб келди. Инграмм эшик олдида Ҳенреиттени учратиб қолди.

— Салом Ҳерберт, мен сени қидириб юрган эдим, — деди у. Аммо унинг ташвишли нигоҳлари Ҳербертни эмас, балки Ҳенкелни қидираётганини аниқ айтиб турар эди. Шу пайт теннис клубининг оппоқ сочли раиси Мюллер унинг олдига келди.

— Нега Вольфганг кўринмаяпти? — сўради Мюллер. — Усиз совғаларни тарқатишни бошлай олмаймиз.

— Балки у кечикаётгандир, — деб жавоб берди Инграмм бамайлихотир. — Мен унга қўнғироқ қиламан.

Мюллер Инграмм билан меҳмонхонанинг кираверишидаги телефон қутиси олдига келди. Инграмм ичкарига кирди ва худди у Ҳенкелнинг телефон рақамларини тергандай бўлди. Ташқарида эса Мюллер Инграммнинг овозини эшитиши мумкин эди. Шу пайт бирдан Инграмм бир айланиб Ҳенкелнинг исмини айтиб бақирди. Сўнг у телефон қутиси эшигини очди ва ташқарига отилиб чиқди.

— Нима бўлди экан-а, Жак? — деб безовталаниб тушунтира бошлади Инграмм. — Телефон қилаётганимда Ҳенкелнинг хонасидан ўқ овози эшитилди. У бошқа жавоб бермаяпти. Биз полицияни бошлаб боришимиз керак.

Тахминан бир неча соатлардан сўнг боғ меҳмонхонасида инспектор Телен пайдо бўлди. У Инграмм ва Мюллерлар билан базмхона ёнидаги хонада суҳбатлашди. У Ҳерберт билан Инграммга:

— Сизлар қотилликнинг телефондаги гувоҳлари бўласизлар. Ҳенкел билан содир бўлган бу воқеагача нима ҳодиса юз берди?

— Мен у билан жуда қисқа суҳбатлашдим, — жавоб берди Инграмм. Сўнг эшик қўнғироғи чалинди. Ҳенкел бир дақиқа кутиб туришимни илтимос қилди. “Гўшакни қўймай туринг” деди-да, менимча эшикни очиш учун эшик олдига борди ва очди. Дарҳол шундан сўнг мен гўшакдан ўқ овозини эшитдим. Яна мен кимдир хона бўйлаб чопиб юрганини ва сўнг телефон алоқасини узиб қўйганини эшитдим.

— Ҳенкел ташриф буюрувчини исмининг айтиб гапирмадими? — сўради Телен.

Инграмм бир оз ўйланиб туриб:

— Йўқ, мен ҳеч нимани эшитмадим.

— Лекин нима учун Ҳенкелни отиб кетишди экан-а?! — Мюллер ҳайрон бўлиб сўради. — Нима сабаб бўлиши мумкин? Балки душманлари бўлгандир.

— Ҳенкел бир неча йил олдин Мюнхенда айрим муаммоларга дучор бўлган эди. Асосий сабаби бу гиёҳванд моддалар эди. Лекин унда ҳеч нимани исботлаб бўлмасди. Бундан ташқари суд олдида ҳам у оппоқ бўлиб тураверар эди. Бунга сабаб унинг бир яхшигина адвокати бор эди. Балки сизлар нимани назарда тутаётганимни тушунгандирсизлар. Шундан сўнг у Эссенга келди. Биз уни героин бозорида бўлган, дея оламиз.

Инграмм базмхонага қайтиб келганида, ўз ролини қойилмақом қилиб ўйнаганлигига амин бўлди. У энди жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Ҳеч ким сезиб қолмаслиги лозим. Аммо у ўзига тўлиқ ишонар эди. Инграмм Ҳенкелнинг гиёҳванд моддалари бозори туфайли келиб чиққан муаммолари борлигига бошқаларни, энг аввало Ҳенриеттани ишонтира олиши керак эди. Агар Ҳенкелнинг гиёҳвандлик моддалар бозори ҳақида билиб қолса, Ҳенриетта уни тез унутишга ҳаракат қилган бўларди. Инграммга эса Ҳенриеттанинг пуллари учун яна катта йўл очилган бўлар эди.

— Салом жаноб Инграмм!

Инграм ҳайрон бўлиб қайрилиб қаради. Телен унинг олдида турар эди. — Кечирасиз, мен сизга яна бир нечта саволлар билан мурожаат қилишим керак. Ҳозир тўғри идорага борсак яна ҳам яхши бўлар эди.

Инграмм шу оннинг ўзидаёқ рози бўлди. Улар меҳмонхонадан чиқишлари билан икки полициячи Инграммга ташланишди.

— Қўлга олиндингиз, — деди Телен совуқ оҳангда. Сиз Вольфганг Ҳенкелни ўлдиргансиз ва унинг ўлимида айбланасиз! Бахтга қарши омадингиз юришмади. Мен полициядаги ҳамкасбларим билан Ҳенкелнинг уйида топилган нарсалар устида изланишлар олиб бордим. Лекин буни буюртма хизматидан билиб олдик. Ҳенкел бир ҳафта олдин буюртма хизматига уни ҳадеб безовта қилавермасликлари учун телефон суҳбатларини ёзиб олиши учун буюртма берган экан. Чунки у мусобақаларда соатлаб теннис ўйнаши керак эди-да. Агар сиз ҳақиқатан ҳам Ҳенкелнинг телефон рақамларини терганингизда буюртма хизмати сизнинг Ҳенкел билан ўша кунги бўлган суҳбатингизни ёзиб олган бўлар эди. Бу сиз ўйлаб режа тузгандай ва қойилмақом қилиб роль ўйнаган бахтсиз ҳодиса эмас эди.

— Бу билан сиз ҳеч нимани исботлай олмайсиз, — деди Инграмм.

— Адашаяпсиз! — жавоб берди Телен. — Уйда нима содир бўлганлиги ҳақида фақатгина қотил билиши мумкин. Ва сиз айнан шу қотиллик ҳақида барча нарсаларни ипидан игнасигача айтиб берасиз!

**Немисчадан**
**Шуҳратхон ва**
**Улуғбек ИМЯМИНОВлар**
**таржимаси**

## БОЛАНИНГ ҲАМ ЎЗ ДУНЁСИ БОР

*— Ойижон, раҳбарингиздан илтимос қилинг, қишда ҳам сизни таътилга чиқара қолсин.*

*— Нега қизалоғим?*

*— Иккаламиз уйда маза қилиб қор ёғишини кузатардик. Сиз билан бирга бўлишдан ҳеч тўймайман...*

***

*... Дадам бир ўқитувчи билан келишиб, менга инглиз тилини ўргаттираяпти. Қанчадир ҳам пул тўлайди ҳар ойда. Мен эса муаллимимнинг кўзларига термулиб, хаёлим уйимиз олдидаги устахонадаги темир-терсакларга кетиб қолади. Чет тилидан олдин машина тилини ўргангим келса, айбим нима?..*

***

*... Отам ҳам, онам ҳам уйда неки ножўя ҳаракат бўлса, мени айблашаверади. Ҳатто бир-бирлари билан чиқишмай қолишса ҳам мен орқали бир-бирларига гап отишади. Синглим “вой” деса ҳам, қўшни болакайнинг бурни қонаса ҳам, мен дакки эшитаман... Билмадим, мен қандай қилиб яхши одам бўларканман-а...*

***

*... Бувим янги ой чиққанда ният қилсанг, амалга ошади, дейдилар. Менинг эса ҳеч орзуларим ушалмаяпти. Баъзан ҳатто тушларимда ҳам ўроқмисол ойнинг ортидан югуриб, ёлвориб чиқаман: “... Дадажон, уйимизга қайтиб кела қолинг...” дея...*

***

*— Ўғлим, нега Сарвар дўстинг билан ўйнамай қўйдинг?*

*— Чунки унинг ота-онаси ажрашишаётган эмиш. Кимники уйида бундай ёмон иш бўлса, боласини сафимизга қўшмасликка келишиб олдик.*

*— Вой ўғлим-а, ахир болада нима гуноҳ?!*

*— Ана, ойижон, кўрдингизми, бировнинг боласи бўлса ҳам ачинаяпсиз. Демак, Сарварнинг ота-онаси ҳам ўғилларининг ёлғизланиб қолишидан куйиниб ярашиб олишади... Тўғри йўл тутибмизми?!*

***

*— Ойижон, болалар ёмон сўзлар билан бир-бирларини ҳақоратлашни қаердан ўрганишади, биласизми?*

*— Хўш?*

*— Ота-оналаридан.*

***

*— Мени эртага “суянган тоғим бўласан” дея эркалайсиз-а, дадажон...*

*— Ҳа, ўғлим.*

*— Унда сиз нега бобомни асога суянтириб қўйибсиз...*

***

*— Бобурнинг таржимаи ҳолини ўқигансиз-а, ойижон.*

*— Албатта, нимайди?*

*— Мен ҳам бир кун келиб буюк одам бўлишни, сизни эса оқила, доно аёл дея тан олишларини жуда истайман. Худди Бобурнинг онасидек...*

***

*— Мен мактабимиз директорини ёмон кўраман.*

*— Нега ахир?*

*— “Дарсни бузиш мумкин эмас” дея такрор-такрор айтадилару ўзлари хоҳлаган пайтларида синфимизга кириб, ҳатто “ўзларинг ўқиб туринглар...” деб муаллимамизни эргаштириб ҳам кетадилар...*

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

## «ПОЙТАХТЛАР» СКАНВОРДИ

**Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**




## Xullas...

### ЯПОНИЯДА ИНГЛИЗЧА ЧОЙ ДАМЛАШ

Кунчиқар мамлакатда чой дамлаш ва уни ичишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бугун шаклланган эмас. Бу неча минг йиллик тарихни ўз ичига олади. Киото шаҳри атрофида пайдо бўлган чой плантациялари япон монахларида бу ўсимликка нисбатан диний муносабатлар вужудга келишига сабабчи бўлган эди.

Японияда оқсуяклар жамияти томонидан чойга нисбатан ҳурмат-эҳтиромнинг уйғониши бора-бора бу халқда ҳам сиғиниш кайфиятини уйғотган бўлса, ажаб эмас.

Бир чашка чой дамлаб ичишда японлар анча-мунча қоидаларни ўзлаштиришларига тўғри келади. Аммо бу Японияга борган сайёҳларга эриш туюлиши мумкин. Европача, хусусан, инглиз халқининг чой дамлаб ичишига айнан ўхшаш бу қоидаларни эгаллаш жиддий имтиҳон ҳисобланади. Ҳаттоки, бунга астойдил қизиққан японлар 170 доллар тўлаб, чой дамлаш, уни тинитиш, сўнгра ҳузур билан ичишни ўрганадилар. Бунинг учун эса японларга пулларини қизғаниш кулгили бўлар экан...

### ПОСТНИ ТОПШИРМАЙ МИЛЛИОННИ ЎМАРДИ

Қозоннинг Альмате шаҳарчаси банкидан миллион рубл ўмарилган. Ўғри эса аниқ: постда ўтирган милиция ходими.

Бунақаси ҳали учрамаган, деб баёнот беради ички ишлар бошқармаси бошлиғи Алберт Закиров. Банк ходимлари уй-уйига кетиб бўлгач, постда ўтирган милиция ходими сигнализаторни ўчириб, пул сақланадиган бўлма калитини олади. Сейфни калит билан очиб, 200 минг рубл, 17 минг доллар ва 7 минг еврони сумкага солади-да, ўзини гўлликка солиб, банкни тарк этади.

Милиция ходимини эса титкилашга, сўроққа тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай қилиб, банкнинг ишонган “тоғи” жуфтакни ростлаган.

Энди эса уни ахтариб топиш учун ҳаракат бошланган. Топиладими, топилмайдими, худога аён. Ўзини ахтариб тополмасликларига ишончи комил бўлгани учун ҳам қоровул шу ишни қилишга журъат этганмикан, дейсиз.

### ҚОЧИБ ҚОЛИШНИ АФЗАЛ БИЛДИ

Калуга вилояти ЗАГС бўлимига ясан-тусан билан кириб келган келин-куёвга ҳамма ҳавас билан қараб турарди. Улар бир-бирига шу қадар муносиб эдиларки, худди узукка кўз қўйгандек.

Куёв Алексей Нестеров маъшуқасининг ёшини суриштирмаган, унинг ташқи кўринишига қараб ўзи билан тенгқур ҳисоблаган эди. ЗАГС мудири никоҳни қайд қилиш китобига келин-куёвнинг туғилган йилларини ёзаётганида, Алексейнинг кўзи косасидан чиқиб кетаёзди. Келинчак ундан роппа-роса 27 ёш катта экан.

Алексей ўйлаб-нетиб ўтирмай, худди орқасидан ёв қувгандек, қочиб қолди. Маросимга таклиф қилинганларнинг эса оғизлари ланг очилди.

**ana shunaqa gaplar**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-826.
Тиражи 19179. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Нурлан УСМОНОВ.
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчилар касб-ҳунар таълими ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00

23456